

39  
P-30

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛА АҲБОРОГАНТИРИНИ

39

P-30

ТӨМЖЕНДАХ БОРОГАН СЕВОЛДИ ОЗМОДАУИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

М.Ф.Рахманулаев, Г.Ж.Тулепов

# УСТОЗ ВА МУРАБИЙ АҶЛЛАР

(Томжено аҳбород таҳсилотлари университети  
50 йиллик юйласури муроҷиати)



Томжено, 2005

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.Ф.Рахматуллаева, Г.Ж.Туленова**

## **УСТОЗ ВА МУРАББИЙ АЁЛЛАР**

*(Тошкент ахборот технологиялари университети  
50 йиллик юбилейига багшиланади)*

**Тошкент-2005**

Мазкур рисолада Тошкент ахборот технологиялари университетида куп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келган ва келаётган устоз, мураббий аёлларнинг давлат таълим тизими ҳамда телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга, мамлакатимизга ҳар томонлама етук, ракобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қушган хиссалари ҳакида баён қилинади.

Рисола Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллик юбилейига багишлиланган.

Такризчилар: техника фанлари доктори, профессор С.С.Қосимов  
техника фанлари номзоди, доцент Х.С. Соатов

Мухаррир : К.К.Парпиева

Рисола Тошкент ахборот технологиялари университети  
Илмий Кенгашининг қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

## Сўз боши

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг республикамизда қисқа бир давр ичидаги жуда кўп ўзгаришлар содир бўлдик, булар иқтисодда, ижтимоий жараёлларда ва айниқса, хотин – қизларнинг жамият ва оиласидаги мавқеининг ошиб боришида ҳам ўз ифодасини топиб бормоқда. Шу боис ҳам, ҳозирги кунда аёлларимизнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрнини, мавқеини тўғри тушуниб, англаш ниҳоятда муҳимдир.

Республикамизда 25 миллион 565 минг аҳоли истиқомат қиласа, шулардан 12 миллион 820 мингта яқинини ёки 50,2 фоизини аёллар ташкил этади. Мамлакатимизда хотин – қизлар иштирок этмаган бирон – бир соҳа йўқдир. Аёл – шифокор, муҳандис, ўқитувчи, олима, ёзувчи, жамоат ва давлат арбоби. Хотин – қизлар республикамиз меҳнат ресурсларининг 55,1 фоизини ташкил қиласди. 2003 йил якунларига кўра меҳнат билан банд бўлган аёллар саноатда – 12,4; қурилишда – 2,6; савдо тизимида – 8,4; уй – жой, коммунал хўжалигига – 2,4; молия – кредит соҳасида – 0,6; қишлоқ хўжалигига – 30,8 фоизни ва бошқа соҳаларда – 7,4 фоизни ташкил эттан.

Жамиятимизнинг бирон – бир жабхасини хотин – қизларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аёл эл – юрт тинчлиги, тутувлиги, ҳамжиҳатлиги, фаровонлигини ўз ҳаётининг мазмунни деб билади. «Эртанги кунимиз вориси, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, – Ватанимиз таянчи, юртимиз ободлиги ва фаровонлигини янада оширишда фидокор инсон бўлиб етишишида Аёлларнинг муҳим хиссаси бор».

Республикамизнинг фан, техника, маданият, санъат, саноат ҳамда бошқа турли соҳаларида илгор, жамоатчи аёллар жуда кўп.

Улар ҳам оила тебратища, ҳам фарзандлар тарбиялашда, ҳам жамоатчилик ишларида фаол қатнашадилар.

Ҳозирги кунда аёллар жамиятимизнинг турли жабхаларида ўзларининг фидокорона меҳнатлари, фидойилклари, турли қасб эгалари бўлишлари билан бирга, ўз мавқеиларига эга бўлишга ҳам муваффақ бўлдилар. Аёлларимиз кенг жамоатчилика, давлат, нодавлат ташкилот ва муассасалари фаолиятида муносиб ўрин эгаллаб, жамиятни демократлаштирища ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бугунги кунда аёлларимиз жамиятда эркаклар билан тенг хукуқли равишда жамият сиёсий хаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Мана шундай фидокор аёллар категорида шарафли ва машаққатли қасб эгалари ўқитувчи – мураббийларнинг ҳам алохида ўрни бор.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозир телекоммуникация ва ахборотни тармоқдан узатиш, яъни компьютерлаштириш асли. Мустақил республикамиизда фан ва техниканинг ривожланишида малакали мутахассислар ва чуқур билимли кадрлар талаб қилинади. Талабаларнинг билим олишларида устоз ва мураббийларнинг роли жуда катта. ТАТУда фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг кўпчилик қисмини хотин – қизлар ташкил этади.

Мазкур риссолада Тошкент ахборот технологиялари университетида кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келган ва келаётган фаол, малакали, етук, ўз қасбига фидойи устоз ва мураббий аёллар, ўқитувчilar ҳақида баён қилинади.

## **Абдурахмонова Моҳира Фаттоховна**



Абдурахмонова Моҳира Фаттоховна 1952 йил 3 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1971 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишига кириб, 1976 йилда автоматик электр алоқа мухандиси бўлиб етишиди. 1976 йилда мазкур институтнинг «Автоматик электр алоқа» кафедрасига асистентлик лавозимига қабул қилинди.

1980 йилда институт қошида очилган кундузги аспирантурага ўқишига кирди. Моҳира Фаттоховна номзодлик диссертациясининг мавзуи: «Телефон тармоқларини қуришни оптимизациялаш», деб номланган. Олиманинг бу мавзу бўйича маҳаллий ва чет эл журналларида ўндан ортиқ мақолалари чоп этилган. 1992 йилдан бошлаб Моҳира Фаттоховна катта ўқитувчи лавозимида ишлади, кафедрада маъruzalар ўқиб, амалий машғулот, лаборатория ишларини олиб борди. Моҳира Фаттоховна АТН, ТРИ, САПР фанларидан маъruzalар матнларини нашр этиб, 30га яқин услубий қўлланмаларни ишлаб чиқди.

Моҳира Фаттоховна раҳбарлигидаги 200дан ортиқ талаба ўз диплом ва битирув ишларини ёқлади. Талabalарга билим беришда, уларга йўл кўрсатиш ва маслаҳат беришга чарчамайдиган устоз бугунги кунда ҳам ўз ишини самарали давом эттироқда. Моҳира Фаттоховна университет жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

## **Агишева Валентина Евгеньевна**



Агишева Валентина Евгеньевна 1947 йил 11 мартда Германиянинг Мерзебург шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. 1953 йилда унинг отасини хизмат юзасидан Тошкент шаҳрига ўтказишиди. Валентина Евгеньевна 1954 йилда Тошкентдаги 88—ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади. 1965 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишига кирди.

Валентина Евгеньевна ўзининг хулқи, одоби, интизоми, илмга чанқоқлиги билан намунали талаба бўлиб ажралиб турарди. У университетнинг 5 – курсига ўтганида йўлланмасига биноан Москва вилоятига юборилди ва у ерда ўқишини давом эттиради ва нихоят, Москва вилоятида ўқишини тамомлаб, дипломини ҳам ўша ерда химоя қилди ва Фанлар академиясининг Электроника институтига ишга юборилди.

1976 йилдан бошлаб Валентина Евгеньевна Тошкент электротехника алоқа институтининг «Физика» кафедрасига ишга қабул қилинди.

У аввал ўзининг иш фаолиятини катта лаборант лавозимида бошлайди. Кейинчалик ўқув лабораториялари мудири лавозимига ўтказилади. У ўзининг иши давомида кафедранинг лаборатория асбоблари билан таъминланишида катта хисса қўйди.

1988 йилда Валентина Евгеньевна физика кафедрасининг ассистенти лавозимига ўтказилади.

У шу иили ўзининг педагогик фаолиятини кундузги, кечки, сиртқи ўқув бўлимидаги лекция ўқиши, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш билан бошлайди ва шу фаолияти

давомида бир неча бор ДМУга бориб ўз малакасини ошириб келди.

Валентина Евгеньевна хатто, Душанба ва Ашхобод шаҳарларига бориб кириш имтихонларини кабул қилиш комиссиясида ҳам қатнашган.

У ўзининг педагогик фаолияти давомида физика кафедраси равнақига катта хисса қўшиб, ўқув–услубий қўлланмалар материалларини йигишда фаол иштирок этган ва ҳар хил мавзулар бўйича илмий–текшириш ишларини олиб борган. Ундан ташқари, илмий – педагогик конференцияларида қатнашган.

У меҳнатсеварлиги билан ўзини кўрсатди ва ўзининг меҳнат маҳсули бўлган 15та услубий қўлланма ва 2та илмий қўлланма яратди ва нашр эттириди.

### Айдарова Фотима Асадовна



Айдарова Фотима Асадовна 1947 йил 10 июнда Тошкент вилоятининг Калинин туманида таваллуд топган. 1984 йилдан буён Фотима Асадовна Тошкент ахборот технологиялари университетида ишлаб келмоқда. Фотима Асадовна аввал «Антенна – фидер қурилмалари» кафедрасида лаборант, 1987 йилдан бошлаб ходимлар билан ишлаш бўлимida катта инспектор лавозимида меҳнат қилди. 1998 йилдан бошлаб Фотима Асадовна ходимлар билан ишлаш бўлимининг бошлиги лавозимида ишлади.

Фотима Асадовна университетни малакали профессор – ўқитувчилар билан таъминлашда, мутахассислигига, педагоглик

қобилятига, билим савиясига қараб жой—жойига қўйишда маҳорат кўрсатиб ишлади. Бўлим ходимлари ва университет ходимларига меҳнат интизомига риоя қилишда ниҳоятда талабчан эди. Ўз вазифасига ўта масъулият билан қаради. Шу билан бирга, ўзи бошлиқ бўлган бўлимда ва университет бўйича барча ходимларга оналарча меҳрибон, вақтини аямай, барча муаммоларни ечишда маслаҳат, қўлидан келгунча ёрдам бериб келди.

Фотима Асадовна, ажойиб инсон, у учта фарзанднинг онаси, иккита набиранинг жонажон бувиси. Ўз кенг феълиги ҳамда ширинсўзлиги билан бу аёл ҳам жамоатчилик ишларида, ҳам бўлимда, ҳам уйда катта хурматга эришган.

2005 йилдан бошлаб Фотима Асадовна ТАТУ кутубхонасига ишга ўтиб кетди. Ҳозирги кунда бу ажойиб инсон китоблар куршовида. Эндиликда ўзининг меҳнатини талабаларга дарслик ва керакли адабиётларни тўплашга кўмаклашиш, маслаҳат бериш билан боғлаган. Бу ажойиб аёлга биз катта мувафақиятлар тилаймиз.

### **Актуреева Казнаш Аристановна**



Актуреева Казнаш Аристановна 1946 йил 1 январда Чимкент вилоятининг Сариагач шаҳрида туғилган. 1968 йилда Тошкент давлат университетининг механика математика факультетини туттаган. Шу йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг «Олий математика» кафедрасига ишга келди. Казнаш Аристановна математик дифференциал тенгламалар, аналитик геометрия, эҳтимоллар назарияси фанларидан маъруза ва амалий машгулотлар олиб бориши билан бирга тайёрлов курсларида ҳам ишлади.

1978 йилда университетда янги «Информатика» кафедраси ташкил топди ва Казнаш Актуреева шу кафедрага асистент лавозимига ўтказилди. Кўп йиллик меҳнати давомида ҳамиша ўз устида ишлашга харакат қилиб келди, бир неча маротаба малака оширишда ўқишида бўлди. 37 йил давомида шу даргоҳда талабаларга билим бериш билан бирга уларга мураббийлик ҳам қилиб келган.

Казнаш Актурееванинг самарали меҳнатлари бир неча маротаба ташаккурномалар билан, 2001 йилда эса «Ўз қасбининг устаси» фахрий кўкрак белгиси билан тақдирланди. Казнаш Актуреева оиласида ҳам фарзандларининг тарбиясига катта аҳамият билан қарайди. Унинг учта фарзанди ҳамда саккизта набиралари бор. Бу камтарин, меҳнатсевар мураббий ҳамон меҳнат фаолиятини давом эттироқда.

### **Амурова Надежда Григорьевна**



Амурова Надежда Григорьевна 1949 йил 20 августда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йилда у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлади ва шу йилнинг ўзида ТЭАИ кутубхонасига ишга қабул қилинди. Ҳозирги кунгача Надежда Григорьевна университет кутубхонаси библиографик маълумот бўлимининг бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

Надежда Григорьевнанинг кўп йиллик самарали меҳнатлари бир неча бор давлат мукофотлари, "Меҳнат фахрийси" медали ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Маълумки, талабалар ва ёш мутахассисларнинг билим олишида, илмий, изжодий изланишларини самарали олиб боришларида кутубхона

ходимларининг роли катта. Надежда Григорьевна ҳамиша ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари билан уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Ўзининг хушмуомалалиги, феъли кенглиги, инсонийлиги, китобларга, маърифатта бўлган муҳаббати билан Надежда Григорьевна кўпчилик орасида катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган.

### **Архангельская Людмила Ивановна**



Архангельская Людмила Ивановна 1951 йил 16 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1975 йилида Тошкент электротехника алоқа институтини туттаган. 1970 йилдан бошлаб Людмила Ивановна ўқиш билан бир қаторда, «Электрон ва квант асбоблари» кафедрасида лаборант лавозимида ишлади. 1977 – 1982 йилларда Людмила Ивановна Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлигининг техник бошқармасида катта мухандис лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттириди.

1982 йилдан бошлаб хозирги кунгача Людмила Ивановна университетнинг ўқув бўлимида лаборатория мудири лавозимида ишлаб, шу билан бирга «Алоқа тармоқлари» кафедрасида лаборатория ва амалий машгулотларни олиб боради.

Людмила Ивановна интизомли, ўз ишига масъулиятили, тажрибага бой педагоглардан бири. У ўз билимини талабаларга улашишда, уларга керакли маслаҳатлар ва кўрсатмаларни беришда яқиндан ёрдам кўрсатади. Хушмуомала, ширинсўз, одобли ва масъулиятили Людмила Ивановна ҳамкарабалар ва талабалар орасида катта хурматта сазовор бўлди.

## Асқарова Муаттар Бакиевна



Асқарова Муаттар Бакиевна 1934 йил 6 сентябрда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1957 йилда Москва электротехника институтини тамомлагандан сўнг Тошкент электротехника алоқа институтининг «Дискрет ахборотларни узатиш ва телеграфия» кафедрасига ассистент лавозимига ишга қабул қилинди.

Муаттар Бакиевна бу кафедрада 37 йил давомидা дарс олиб борди. У «Дискрет ахборотларни узатиш ва телеграфи», «Дискрет ахборотларни узатиш назарияси», «Дискрет хабарларни узатиш» ва бошқа бир қатор фанлардан маъruzалар ўқиди, амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини олиб борди. Ўқитувчи 30дан ошиқ курслар бўйича амалий қўлланмалар ва услубий қўлланмалар чоп этирди. Дискрет ахборотларни узайтиришдаги бехатолигини таъминловчи усуллар устида изланишларни олиб бориб, 1984 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Олимга 20га яқин мақолалар чоп эттан, 250га яқин диплом ишларига раҳбарлик қилган. 1989 йилда Муаттар Бакиевнага доцент илмий унвони берилди.

Муаттар Бакиевнанинг педагогик фаoliyati давлат мукофотлари ва қатор фахрий ёрликлар билан муносиб тақдирланган. У ўзининг илмини талабаларга бериш устида тинимсиз ишлади, институт услубий кенгашининг аъзоси бўлиб ўқув – услубий ишларни тайёрлаш, нашр этишда ҳам фаол иштирок этди.

Муаттар Бакиевна ҳали жуда кўп яхши ишларни амалга ошириши мумкин эди, лекин оғир қасаллик уни орамиздан олиб кетди. У 1994 йил 13 майда 60 ёшда вафот этди.

### **Аҳмедова Гулзина Жумабоевна**



Аҳмедова Гулзина Жумабоевна 1949 йил 29 ноябрда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган. 1973 йилида Тошкент электротехника алоқа институтининг "Кўп каналли электр алоқа" факультетини битирди. 1973 йилдан 1979 йилгача алоқа тармоғида, 1979 – 1980 йилларда эса ТЭАИ илмий лабораториясида навбатчи – мухандис лавозимида шлаган.

1981 йилдан бошлаб ҳозирги кунгacha университетнинг «Электрон қвант асбоблари» кафедрасида аввал катта лаборант, лаборатория мудири, ассистент, ҳозирда эса катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Гулзина Жумабоевна 12та илмий – услубий қўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифидир. У «Аналог ва рақамли схематика», «Электрон ва қвант асбоблари» фанларидан лаборатория ишлари тўпламини чоп эттиришда катнашди. «Кимё» фанидан лабаратория ва амалий ишлар тўплами, «Табиатшунослик» фанидан маърузалар матнларини чоп этган.

1997 йилдан бошлаб Гулзина Жумабоевна Телекоммуникация ва тармоқлар факультетида маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан мувонини лавозимида ишлаб келмоқда. Мазкур ишни Гулзина Жумабоевна мураббийлик ишлари билан биргаликда олиб боради.

Гулзина Жумабоевна жуда тиришқоқ ва камтарин аёл. У ўзига юклатилган вазифалар, жамоа ишларини аъло даражада бажариши билан бир қаторда икки ўғил, икки қизнинг меҳрибон онаси, учта набирасининг севимли бувижониси ҳамдир. Гулзина Жумабоевна университет жамоаси ҳамда талабалар орасида катта хурматта сазовор бўлган инсондир.

**Баскина Хая Залмановна**



Баскина Хая Залмановна 1920 йил 3 августда Белорусиянинг Гомер шаҳрида туғилган. 1939 йилда Воронеж давлат университетининг физика – математика факультетига ўқишига кирган. 1941 йилда Қирғизистоннинг Кант қишлоғига эвакуация қилинган, шу сабабли 1946 йилгача мактабда математикадан ўқитувчилик қилган. 1944 йилда эса Тошкентта ишга келган.

1946 йилда Хая Залмановна Ўрта Осиё давлат университети (хозирда ЎзМУ) физика – математика факультетининг 3 – курсига ўқишига кирди. 1949 йили Университетни аъло баҳолар билан тамомлади ва Тошкент алоқа политехникумiga ишга кирди.

Хая Залмановна 1955 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институтида асистент бўлиб ишлади. 1960 йилдан эса, у «Олий математика» кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимига ўтказилди.

Хая Залмановна кафедрада ишлаш давомида «Эҳтимоллик назарияси» ва «Статистик математика» фанларидан ўзининг малакасини оширди. У «Математика», «Эҳтимоллар назарияси», «Статистик математика» фанларига оид қўлланмалар ва

лаборатория ишларини ташкил этишда қатнашди, математика фанида маъруза ва амалий машгулотларни олиб борган. У ўзининг фанини жуда севар эди, дарсларга диққат билан пухта тайёргарлик кўрар эди.

Хая Залмановна университет жамоатчилик ишларида фаол иштирок этган, ҳар йили гурух мураббийси бўлиб ишлаган. Туман ўртоқлик судида ҳалқ маслаҳатчиси бўлиб бир неча йил қатнашган. У институт ўқитувчилари ва талабалар орасида катта эътибор ва хурматта эришишга муваффақ бўлган.

Хая Залмановнанинг камтарона ва шарафли меҳнати бир неча маротаба фахрий ёрлиқлар билан муносиб тақдирланди. Хая Залмановна 1975 йилда нафақа ёшига етганлиги сабабли ўз ўқитувчилик фаолиятини тўхтаттан.

Хая Залмановна оиласи, 2та фарзанднинг онаси.

### **Белова Любовь Николаевна**



Белова Любовь Николаевна 1953 йил 21 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1975 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини муваффақиятли тугатди. Шу йилнинг ўзида Любовь Николаевна «Электр занжирлар назарияси» кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди. Мана 30 йилдан кўпроқ устоз ана шу

кафедрасида педагоглик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Любовь Николаевна юқори малакали мутахассис, талабалар ва хамкасблари орасида катта хурматга сазовор.

Ўқитувчининг кафедра илмий, услубий ишларига қўшган хиссаси жуда катта. Любовь Николаевна 40дан ортиқ ўқув –

услубий қўлланмалар ва маъруза матнларининг муаллифи. У лаборатория ишларини йўлга қўйишида ҳамиша фаол қатнашиб келади.

Любовь Николаевна университетнинг жамоат ишларида фаол иштирок этади. У бир неча йиллардан буён ўқув гурух мураббийси. Талабаларга фанни ўқитишида, уларга тўғри йўл кўрсатишида, курс ва диплом ишларини тайёрлашда раҳбарлик қилиб, яқиндан ёрдам кўрсатиб келади. Любовь Николаевна раҳбарлиги остида университет талабалари бир неча маротаба Олимпиада ва танловларда голиб чиқиб, совринлар соҳиблари бўлишган. Любовь Николаевнанинг бундай ишлари раҳбарият томонидан «Фахрий ёрлиқ»лар билан бир неча маротаба тақдирланган.

Любовь Николаевна сўнгти 20 йиллар давомида кафедра мудири мувонини вазифасини бажариб, ўқув жараёнини ташкил қилиш, белгилантан вазифаларни ҳамиша ўз вақтида бажаришга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

### **Бердиқулова Маҳмуда Файзуллаевна**



Бердиқулова Маҳмуда Файзуллаевна 1948 йил 30 октябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1971 йилда Тошкент Политехника институтининг (ҳозирги Тошкент давлат техника Университети) мұхандис—физика факультетини битириб, электрон хисоблаш машиналари бўйича мұхандис—математик ихтисослигини эгаллади. У шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институтида

мухандис, 1974 йилдан бошлаб эса, катта мухандис лавозимида ишлади.

Маҳмуда Файзуллаевна 1981 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Тошкент ахборот технологиялари университетида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маҳмуда Бердиқулова аввал «Хисоблаш математикаси» кафедраси қошидаги илмий лабораторияда катта мухандис лавозимида ишлади.

1981 йилдан кафедра ассистенти лавозимига ўтказилди. У бир нечта илмий мақола ва ўқув – услубий қўлланмаларни чоп этган. Ҳар иили ўқув гурӯхларига мураббийлик қилиб, талабалар билан тарбиявий, маънавий – маърифий ишларни фаол олиб боради.

2002 йилда Маҳмуда Файзуллаевна «Информатика» кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимига тайинланди. Эндиликда ўқитувчи фаолиятида янги бир давр бошланди. Биз устозга катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

### **Бикмаматова Роза Рафкатовна**



Бикмаматова Роза Рафкатовна 1954 йил 1 январда Самарқанд вилояти Қорадарё туманида таваллуд топган. 1976 йилда Тошкент давлат университетини муваффақиятли тутатиб, юрист – қонуншунос мутахассислигини эгаллади.

Роза Рафкатовна ўзининг меҳнат фаолиятини 1977 йилда «Тоштекстилшвейторг» бошқармасида катта юридик маслаҳатчи сифатида бошлади. Бу корхонада 1979 йилгача меҳнат қилди.

1979 йилда Роза Рафкатовна «Узглавнефтьснабсбыт» бошқармасида катта юридик маслаҳатчи лавозимида ишлади.

1980 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача ТАТУда юридик маслаҳатчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Роза Рафкатовна күп йиллар давомида институтнинг кечки, сиртқи ва кундузги бўлим талабаларига соатбай – ўқитувчи сифатида «Ҳукуқшунослик» фанидан сабоқ бериб келади. ТАТУ қошидаги малака ошириш курсида ҳам дарс олиб боради.

Роза Рафкатовна 2004 йилдан бошлаб ҳозирги кунигача «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ҳамда университетда I категорияли юридик маслаҳатчи вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Роза Рафкатовна олий юридик маълумотта эга бўлганлиги туфайли университетимиз ишларини ўта масъулиятли даражада бажарувчи шахс бўлиб ҳисобланади. Унинг вазифасига университетда белгиланган ички хўжалик даъволарини кўриб чиқиш, тартибга риоя этилишини назорат қилиш, иқтисод, молия, ҳисоб – китоб хизматлари натижаларини иқтисодий – ҳукукий таҳлил қилиш каби масалалар киради. Бу вазифаларни Роза Рафкатовна сидқидилдан, вижданан бажариб келмоқда. Шу билан бир қаторда, ёш мутахассисларни тарбиялашда, уларга билим беришда ўзининг самарали меҳнати, педагоглик маҳорати билан катта ҳисса қўшиб келмоқда.

### **Бобоходжаева Зайнаб Абдусаматовна**



Бобоходжаева Зайнаб Абдусаматовна 1941 йил 13 январда Москва шаҳрида туғилган. 1957 йилда Тошкент давлат университетнинг шарқшунослик факультетига ўқишига кирган. Университетни 1962 йилда тутатиб, 1965

йилгача 92 – ўрта мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1963 йилда Тошкент давлат чет тиллар институти қошидаги чет тилларни ўрганиш бўйича 2 йиллик маҳсус курсда ўқиган.

1965 йилда Тошкент электротехника алоқа институти «Чет тиллари» кафедрасига ўқитувчи бўлиб қабул қилинган. Зайнаб Абдусаматовна талабаларга билим бериш билан бир ҳаторда ўзининг устида кўп ишлади, бир неча услубий қўлланмаларни чоп этди. Ўзига бириктирилган ўқув гурӯҳида мураббийлик қилди.

Зайнаб Абдусаматовна бир неча маротаба Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтида малакасини ошириб келган. У ҳамиша берилган вазифаларни аъло даражада бажаради.

Зайнаб Абдусаматовна бир неча маротаба сиртқи ва кечки бўлимларда қабул комиссиясининг масъул котиби сифатида ишлади. Кафедрада касаба уюшмаси бошлиғи вазифасини бажариб келди. Зайнаб Абдусаматовна институтнинг жамоа ишларида фаол қатнашиб келган. Унинг меҳнати муносаб тақдирланган, у бир неча маротаба раҳматнома ва қимматли совғалар билан тақдирланган.

Зайнаб Абдусаматовна хушмуомала, бағрикенг инсон бўлганлиги учун касбдошлари ҳамда талабалар томонидан катта ҳурматта эришишга муваффақ бўлган. 1965 йилда ТЭАИга ишга келган Зайнаб Абдусаматовна оиласвий шароити туфайли 1994 йилда Ульяновск шахрига кўчиб кетди. Орамизда шундай ажойиб устоз, ўз касбига фидоий инсон, маслаҳаттўй ўқитувчилар бўлганлиги билан хақиқатдан ҳам фахрлансак арзиди.

## **Буранова Роза Турсуновна**



Буранова Роза Турсуновна 1948 йил 29 июлда Чимкент вилояти Туркестон шаҳрида туғилган. 1971 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини инглиз тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тутатиб, педагогик фаолиятини 1975 йилда Мирзо Улугбек туманидаги 49 – мактабда бошлаган.

Роза Турсуновна инглиз тили ўқитувчisi, директор ўринбосари, 1988 йилдан мактаб директори лавозимида ишлаган.

Роза Турсуновна Буранова 1999 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ) қошидаги академик лицейга директор лавозимида ишлаб келмоқда. Академик лицей биноси шахсан унинг ташаббуси билан қурилди ва атрофи ободоналаштирилди.

Роза Турсуновна академик лицейда ўқув жараёнини ташкил этишда малакали, салоҳиятли педагогларни жалб этишга эътибор берди ва уларнинг малакаларини мунтазам оширишларини назорат қилди.

Роза Турсуновна академик лицейнинг ўқув – тарбиявий ишларини замон талаби даражасига кўтаришга, унинг моддий – техника базасини мустаҳкамлашга, иқтидорли талабалар билан ишлашини кенг йўлга қўйишга, спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳозирда академик лицейда PENTIUM – 2, PENTIUM – 3 PENTIUM – 4 русумли 43 та компьютер билан жиҳозланган информатика ва ахборот технологиялари хоналари ташкил

этилди. Компьютерлар Интернет тармогига уланган ва лицей ўзининг WEB сайтига эга.

Роза Турсуновна ташаббуси билан академик лицейда «Информатика», «Физика» фанлари бўйича кичик илмий лабораториялар ташкил этилган. Ўқувчилар ўзлари танлаган мавзулар бўйича илмий ишларини анжуманларда ҳимоя қилишади.

2005 йилда ўқувчилар «Информатика» фани бўйича олимпиадаларда қатнашиб республика босқичида 1 – ўринни эгаллашди. Академик лицей туманинг маънавият ва маърифат ўчорига айланган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати намунали йўлга қўйилди. Бир неча бор матбуотда ва телевидениеда академик лицейнинг ўқув – тарбиявий ва маънавий – маърифий фаолияти масалалари бўйича чиқишлиар қилинди.

Роза Буранова доимий равишда ўз малакасини, сиёсий, иқтисодий ва илмий – назарий дунёқарашини ошириш устида қатъият ва масъулият билан ишлайди. У ташаббускор, талабчан, камтарин, тўғри сўз, маънавий етук, ўз ҳамкасларига нисбатан фамҳур ва меҳрибон. Унинг меҳнати Давлат томонидан қадрланиб устозга 1996 йилда «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвони берилган. Бир неча бор Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республика Олий ва ўрта маҳсус вазирлиги томонидан фахрий ёрлиқлир билан тақдирланган.

Роза Турсуновна оиласи, 3 та фарзанднинг онаси.

## **Буткеева Татьяна Михайловна**



Буткеева Татьяна Михайловна 1939 йил 24 марта Севастополь шаҳрида туғилган. 1963 йилда Новосибирск электротехника алоқа институтининг алоқа мухандис – иқтисодчи мутахассислиги бўйича ўқиши тутатган. 1971 йилда у Москвада электротехника алоқа институти аспирантурдани тутатиб, Тошкент электротехника алоқа институти «Алоқа иқтисодиёти» кафедраси асистенти лавозимига йўлланма олди.

Татьяна Михайловна кафедрада «Алоқа иқтисодиёти», «Корхоналарнинг радиоалоқаси режалаштирилиши» ва бошқарилиши курсларидан маъruzalар ўқиган. 1978 йилдан 1985 йилгача Татьяна Михайловна Москвадаги (ЦНИИС) Марказий илмий текшириш алоқа институти билан ҳамкорликда илмий ишларни олиб борди.

1981 йилда Татьяна Михайловна «Ишлаб чиқариш қувватини иқтисод – математик моделлаштириш йўналиши» мавзуи бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1991 йилда Татьяна Михайловнага доцентлик узвони берилди. Шу йилнинг ўзида у кафедра мудири лавозимига тайинланди. 1992 йилдан кафедра алоқа йўналишидаги иқтисодчиларни тайёрлаш ишларида фаол меҳнат қила бошлади. Татьяна Михайловна ташаббуси билан Новосибирск алоқа институти сиртқи бўлимида таълим олаёттан 50 нафар талабалар Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга келди.

1995 йилда Т.М.Буткеева «Евроазия» жамғармасининг грантида қатнашди. У «Бизнес – режа», «Алоқа хизмати

бизнесининг уюштирилиши ва иқтисоди» мавзуларига оид ўқув – қўлланмаларни тайёрлади ва нашр этди. «Бизнес режа», «Предпринимательство», «Ценообразование» номли янги курсларни ишлаб чиқди. Мазкур курсларни ўқитишни ташкил қилиш ва ўқитишнинг самараадорлигини ошириш мақсадида кўплаб ўқув – услугбий қўлланмаларни тайёрлади, нашр этди.

Татьяна Михайловна ўзининг устида ҳамиша ишлайди, малакасини оширади, янги педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув жараёнида қўллашга ҳаракат қиласди. Татьяна Михайловна қатта илмий ишларни ҳам олиб боради, унинг 90га яқин илмий ва илмий – услугбий ишлари чоп этилган. Татьяна Михайловна «АРИСИМ» ўйинли моделлаштириш ассоциациясининг хурматли аъзоси. Т.М.Буткеева ўқув жараёнида «Организатор», «Менежер», «Биржа» каби ўйинли қўлланмаларни жорий этишга муваффақ бўлди. Татьяна Михайловна ТАТУ магистрантларий билан ишлашда ўқув жараёнида танқидий баҳолаш усулларидан кенг фойдаланади.

2000 – 2001 йилларда Татьяна Михайловна Бутун дунё банк институти ва «Устоз» жамғармасининг «Иқтисод асосларини ўрганишда масофадан ўқитиш элементларидан фойдаланиш» лойиҳаси бўйича университет талабаларидан экспериментал гурӯҳ тузиб, уларга мазкур лойиҳа доирасида дарс олиб борди.

Татьяна Михайловна ўзининг ўқув – услугбий ишларида ва кафедрада «Микроиқтисодиёт», «Аудит», «Ташқи иқтисодий қобилият», «Иқтисод тармоқлари», «Хисобчи учёти» курсларини ўқитишда компььютер технологиялари, масофадан ўқитиш усулларини қўллайди. Т.М.Буткеева бозор муносабатлари шароитида телекоммуникация соҳасидаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида халқаро семинар ва илмий анжуманларда фаол қатнашади. Унинг раҳбарлигига иқтисод, алоқа тармоғини

бошқариш ва ахборотлаштириш бўйича 7 та магистрант ҳамда 40дан ортиқ бакалаврлар тайёрланди.

Ҳозирги кунда Татьяна Михайловна «Иқтисод тармоқлари», «Бухгалтерия ҳисоботи ва аудит», «Хўжалик қобилиятининг техник – иқтисодий таҳлили», «Бюджетни бошқариш», «Ишлаб чиқариш ва молия ҳисоботи» каби курслардан маъruzalар ўқиб, амалий машгулотларни олиб боради.

Татьяна Михайловнанинг самарали ва хайрли ишлари 2004 йил сентябринда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Фахрий ёрлик» билан тақдирланди.

Т.М.Буткеева оиласи, 2та фарзанднинг онаси. Улар ҳам онаси каби ТАГУни тутатишган. Ҳозирда унинг 2та набираси бор. Т.М.Буткееванинг хоббиси «Юлдузли осмон», «Астрономия»ни ўрганиш. У 2002 йилда Чимёнда ўтказилган ёзги мактабда «Мисс звёздное небо» номли сертификатта сазовор бўлган. Устоз ҳозирда ҳам спорт билан шуғулланади. Биз устозга янги муваффақиятлар тилаймиз.

### Васильева Маргарита Георгиевна



Васильева Маргарита Георгиевна 1934 йил 21 сентябрда Фаргона шаҳрида таваллуд топган. 1957 йилда у Ленинград электротехника алоқа институтини тутатди ҳамда ТЭАИга ишга йўлланма олди. Маргарита Георгиевнанинг институтдаги фаолияти «Узоқдаги алоқа» кафедрасида (ҳозирда ТУТ) ассистент лавозимида бошлилди.

1962 йилда Маргарита Георгиевна Москва шаҳрига Электротехника алоқа институтига (МЭИС) аспирантурага

юборилди. 1965 йилда Маргарита Георгиевна аспирантурани муваффақиятли тұтатди ва номзодлик диссертациясини химоя қилишга муваффақ бўлди.

Маргарита Георгиевна аспирантурани тутаттач, Тошкентта қайтиб кеди ва «Радио асбоблар тузилиши» қафедрасида иш фаолиятини давом эттириди. Маргарита Георгиевна узоқ йиллар давомида аввал асистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлади. 1967 – 1979 йилларда у институт сиртқи бўлим декани вазифасини бажарди. 1975 йилда эса институтнинг илмий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлади.

Маргарита Георгиевна 1979 – 1989 йилларда кафедра мудири лавозимида ишлади. У кўплаб хўжалик шартномали илмий ишларга раҳбарлик қиласр эди. Бу ишлар Москва, Ленинград каби нуфузли илмий институтлар билан ҳамкорликда олиб борилар эди. Информацияни химоялаш, радиоаппаратларнинг вазифалари, тузилишини ўрганиш, радиоэлектрон аппаратларини текшириш каби масалалар юзасидан юздан ортиқ илмий мақолалар тайёрланди ва илмий нашрларда чоп этилди.

Маргарита Георгиевна радио ва электралоқа бўйича муаллифлик ва патентлик гувоҳномасининг сохиби. Унинг раҳбарлигига бта номзодлик диссертацияси химоя қилинган. У жуда кўп бакалавр ва магистрик диплом ишларига раҳбарлик қилган.

Маргарита Георгиевна Васильева услугий ишлар бўйича ҳам катта иш олиб борган. У РРТ факультети илмий – услугий кенгашнинг раиси, институт илмий – услугий кенгаши раисининг мувовини вазифасини бир неча йиллар давомида олиб борган.

Маргарита Георгиевна иқтидорли талабаларга ўз мутахассисликдан чуқур билим беришга харакат қиласр эди. У масоғадан ўқитиш бўйича бир неча ишларни тайёрлади.

Маргарита Георгиевна.. томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар асосида ҳозирда магистрлик диссертация ва битирув ишлари тайёрланади.

Маргарита Георгиевна жамоа ишларида ҳам фаол қатнашганди. У 70-йилларда Юнусобод тумани департаменти, Махаллий ва Олий Совет сайлов комиссияларининг аъзоси эди. Маргарита Георгиевнага қандай вазифа юклатилмасин, у ўзининг тиришқоқлиги, ўз касбининг устаси эканлиги, билимдонлиги ажойиб инсонлигини намоён қилиб, барчасини ўз вақтида бажарди. Маргарита Георгиевна битирувчилари, шогирдлари бу аёлнинг ақл билан иш кўриши, ўз педагогик маҳорати устида ҳамиша иш олиб борганлиги, талабаларни ҳам чуқур билимга эга бўлишга ўргаттанини эслайдилар. 2003 йилда Маргарита Георгиевнанинг шогирди аспирант Дониёр Расулов Ўзбекистон Республикаси Президент стипендиясига сазовор бўлди.

Маргарита Георгиевна ҳаётлигига «Ишдаги аъло ютуқлари учун» белгиси, «Мехнат ветерани» медали, бир неча мақтов ёрлиқлари, 2003 йилда эса «Мохир алоқачи» унвони билан тақдирланган.

Маргарита Георгиевна 2004 йилда вафот этди.

Маргарита Георгиевна Васильева талабаларга она каби меҳрибон, жонкуяр мураббий эди. У киши ўз соҳасининг чуқур билимдони эди. Унга берган саволингиз хеч қаҷон жавобсиз қолмас эди. Маргарита Георгиевнанинг ҳаёт ва иш фаолияти ёшларга ўрнак ва мактаб вазифасини ўтайди. Унинг исми Республика ва қўшни мамлакатлар алоқачилари қалбидан ўчмаслигига ишонамиз, чунки бу аёл деярли ярим асрлик умрини алоқа техникиасига, ўз соҳасига бағишлади.

## **Ваулина Юлия Павловна**



Ваулина Юлия Павловна 1930 йил 21 июлда Горький вилоятидаги таваллуд топган. 1953 йилда у Горький шаҳридаги Политехника институтининг кимё—технология факультетини ноорганик жисмлар технологияси мутахассислиги бўйича муваффақиятли тутатди. Шу йилнинг ўзида Юлия Павловна Иваново шаҳрига Киме заводининг цех устаси лавозимига ишга йўлланма олди.

1958 йилда Юлия Павловна оиласвий сабабларга кўра Тошкентта кўчиб келди ва Тошкент электротехника алоқа институтининг «Электроматериаллар кимёси ва технологияси» кафедрасига катта лаборант лавозимига ишга қабул ҳилинди. 1959 йилда Юлия Павловна шу кафедрада аввал асистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

Юлия Павловна кўп йиллар давомида «Умумий кимё» фанидан маърузалар ўқиди, лаборатория дарсларини олиб борди, янги лаборатория ишларини яратишда фаол қатнашди ҳамда «Полимерларнинг физик—кимёвий хусусиятлари»ни кузатиш бўйича илмий ишларни олиб борди. У 4та илмий мақола чоп этган.

1976 йилда Юлия Павловна ТСОнинг ўқув мастери, 1977 йилдан бошлаб эса «Электрон квант асбоблари» кафедрасига асистентликка ўтказилди. 1984 йилда у ўқув—услубий лабораториянинг катта лаборанти, сўнгра эса мастер лавозимида ишлади. Юлия Павловна ўқув жараёнини назорат қилиш, институт кафедралари ўқув режаларининг бажарилишини назорат этиш каби ишларни маҳорат билан бажарив келди.

Юлия Павловна нафақат масъулиятли, меҳнатсевар инсон, балки икки ўғилнинг суюкли онаси ҳамдир. Ваулинанинг камтарона меҳнатлари бир неча марта раҳматнома, мақтov ёрлиги, қимматбахо мукофотлар билан тақдирланган.

### **Гамолина Елена Ивановна**



Гамолина Елена Ивановна 1950 йил 6 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Елена Ивановна Тошкент давлат Университетининг «Тарих» факультетини 1973 йилда битириб, сўнгра Тошкент Электротехника алоқа институтининг «Фалсафа» кафедрасига лаборант лавозимига ишга кирди. 1972 йилдан

бошлаб «Фалсафа» кафедраси кабинет бошлиғи вазифасини бажара бошлади. Елена Ивановна мазкур кафедрада аввал ассистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

Елена Ивановна 1999 йилда ТАТУда ташкил топган янги «ЎзДЖҚНваА» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ўтиб, ҳозирги кунгача мазкур кафедрада ишлаб келмоқда.

Елена Ивановна «Фалсафа», «Политология», «Диншунослик», «Геополитика» фанларидан дарс бериб келмоқда. Унинг маърузалари талабаларда катта қизиқиш уйғотади. Елена Ивановна хушмуомала инсон, талабаларга ғамхўр ҳамда ўта талабачан.

Елена Ивановна университет, факультет ҳамда кафедра ишларида яқиндан ёрдам бериб, фаол қатнашиб келади. У бир неча маротаба сайлов участка комиссияси, қабул комиссияси ишларига жалб қилинган. У ўз устига юклатилган вазифаларни

катта масъулият ва фидокорона меҳнати билан бажаришга ўрганган.

Елена Ивановна 20тага яқин илмий, 18тадан ортиқ илмий – услубий қўлланмалар муаллифи. У ҳамиша ўзининг устида ишлашга ҳаракат қиласди. Бир неча маротаба ТошҶУ қошидаги Олий Педагогика институтида малака ошириш курслари ҳамда турли ҳалқаро жамғармалар томонидан ташкил қилинган малака ошириш курсларида ўз малакасини ошириб келган. Елена Ивановна республика ҳамда ҳалқаро илмий, илмий – назарий, илмий – амалий конференцияларда ўз маъruzалари билан фаол қатнашиб келмоқда. Унинг маъruzалари ҳамиша долзарбилиги, илмий – назарий асосланганилиги билан ажralиб туради.

Елена Ивановна ажойиб инсон, у бир неча йиллар давомида гурух мураббийси вазифасини бажариб келган. Ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳамкаслари ва талабалар орасида катта хурматта сазовордир.

Елена Ивановна ўзининг самарали меҳнати учун университет раҳбарияти томонидан бир неча бор фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Ҳозирда Елена Ивановна кафедра мудири ўринbosари вазифасида ишлаб келмоқда.

### Глининай Елена Георгиевна



Елена Георгиевна 1936 йил 23 декабрда Воронеж шаҳрида туғилган. Елена Георгиевна 1941 йилда оиласи билан Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшаган. Елена Георгиевна 1959 йилда

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ТГПИ) физика – математика факультетининг "Физика ишлаб чиқариш асослари" мутахассислиги бўйича тамомлади. Сўнгра Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманига у йўлланма бўйича ишга келди. У ерда 1966 йилнинг 26 августигача 17, 1, 14 – ўрта мактабларда ўқитувчилик қилди.

Тошкент шаҳрига келгач, ТЭАИнинг "Кимё техникавий электроматериалшунослик" (КТЭМ) кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлади.

Елена Георгиевна 1980 йилдан бошлаб «Электрон квант асбоблари» кафедрасининг катта ўқитувчи лавозимида нафақага чиққунга қадар ишлади.

Елена Георгиевна университет ва кафедра равнақи учун бор билимини, куч – қудратини бериб, шижаот билан тинмай ишлади. У катта илмий, услубий, тарбиявий ва маърифий ишларни олиб борди.

Елена Георгиевна «Электрматериалшунослик» фани бўйича университетнинг барча йўналишларида таълим олаётган талабалар учун маъruzalар ўқиб, лаборатория машғулотларини педагогик маҳорат билан олиб борди.

Елена Георгиевна ўзининг меҳнатсеварлиги, хақгўйлиги, илмга чанқоқлиги билан доимо ажralиб турарди, у ҳамиша ўз касбий малакасини ошириб борган, кафедра етакчи ўқитувчилари, малака ошириш курсларида маъruzalарини тинглаб, илмий конференцияларда қатнашган. Елена Георгиевна сабоқларини олган талабалар ҳозиргача устозини хурмат билан эслашади.

## Грибенникова Елена Никифоровна



Грибенникова Елена Никифоровна 1934 йил 13 марта Оренбург шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1956 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти немис тили факультетини немис тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича битирган. 1956 – 1957 йилларда Қизилурдадаги мактабда, 1957 – 1964 йилларда эса, Тошкент шаҳридаги мактабларда ўқитувчилик қилди.

Елена Никифоровна Тошкент электротехника алоқа институтига 1965 йилда ишга кирган. Елена Никифоровна ўз устида ишлаб, кечки, кундузги ва сиртқи бўлимларда дарс олиб бориш билан бир қаторда ўқув гурӯхларга мураббийлик қилди. У институт ишларида фаол қатнашди, бир неча маротаба қабул комиссияларда ишлади.

Елена Никифоровна 1977 йилда «Чет тиллари» кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимига ўтказилди. Елена Никифоровна меҳнати раҳбарият томонидан бир неча марта раҳматномалар, «Фаҳрий ёрлиқ» хамда «Меҳнат фаҳрийси» медали билан мукофотланган.

Елена Никифоровна 2002 йилда 70 ёшда нафақага чиқиб кетди. У университетда 37 йил давомида самарали меҳнат қилди, талабаларга, ёш ўқитувчиларга устозлик қилиб келди. У ўта камтарин ва меҳнатсевар инсон.

## Дементьева Нина Григорьевна



Нина Григорьевна Дементьева 1935 йил 31декабрда Қозогистон Республикасининг Актибинск шаҳрида таваллуд топган. Тошкент электротехника алоқа институтининг «ТТВАКТ» кафедрасида 1970 – 1993 йилларда катта ўқитувчи лавозимида самарали меҳнат қилган. Нина Григорьевна Ленинград электротехника алоқа институтида аспирантурани тутаттандан кейин Тожикистон Республикаси Алоқа Вазирлигига ишга йўлланма олди.

Бу йилларда алоқа тармоқларида меҳнат қилиб, АТС ва АМТС нинг техник хизмати ва эксплуатация жараёнлари билан шугулланган.

1970 йилда Нина Григорьевна ТЭИСнинг «ТТВАКТ» кафедрасига ишга келганида, талабаларни мутахассислик бўйича ўқитишида, уларни яхши алоқачи бўлиб чиқишида унинг аввалги билимларни, меҳнатлари фойда берди. Кафедра муовини вазифасини бажариш билан бир қаторда Нина Григорьевна касаба ўюшмаси хотин – қизлар кенгаши билан ҳамкорликда ҳам катта ишларни олиб борди.

Нина Григорьевна талабаларга нисбатан ўта талабчан, улар билан яхши муносабатда бўлиб, билимларини улашишида яқиндан кўмак бериб келганлар. Нина Григорьевна бошчилигига ёзилган диплом лойиҳалари ўз янгилиги билан ажralиб турар эди. Нина Григорьевна илмий, илмий – услубий ишлар билан ҳам шугулланар эди. У Ленинград электротехника алоқа институти билан

ҳамкорлик қилган. Бу ҳамкорликнинг натижалари илмий – техник конференцияларда қилинган маъruzalarда ўз ифодасини топганди.

Хозирда Нина Григорьевна оиласи шароитга кўра, Нью Йорк шаҳрига кўчиб кетган, аммо кафедра жамоаси билан хозирда ҳам биргаликда ва ҳамкорлик алоқада.

### **Донченко Вера Иосифовна**



Донченко Вера Иосифовна 1939 йил 4 январда Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида таваллуд топган. 1968 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институтида аввал «Электрон ҳисоблаш машиналари» лабораториясида лаборант лавозимида, сўнг 1970 йилдан бошлаб институт диплом ишлари бўйича бўлим мудири вазифасини бажарган.

Вера Иосифовна 1972 йилда «Иқтисод ва алоқа корхоналарини бошқариш» кафедрасида асистент лавозимида, 1979 йилда эса, кафедранинг катта ўқитувчisi лавозимида ишлаган.

1976 – 1978 йиллар мобайнида институт қошидаги «Алоқа иқтисоди» кафедрасида сиртдан аспирантурада ўқиган. Кафедранинг илмий ишларини бажаришда қатнашган, кафедра мутахассислиги бўйича курс ишлари ва бир неча ўқув – услубий қўлланмаларни чоп эттирган.

1993 йилда Вера Иосифовна сиртқи бўлимда декан мувонини бўлиб ишлаган. У институт жамоат ишларида фаол иштирок этган. Бир неча йиллар мобайнида гурух мураббийси вазифасини бажарган.

Вера Иосифовна Москва электротехника алоқа институтида бир неча бор уз малакасини ошириб келган. Унинг самарали меҳнати раҳбарият томонидан бир неча маротаба Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Вера Иосифовна ажойиб педагог, намунали мураббий ва фаол жамоатчи булиб, университетда 1999 йилгача меҳнат қилди. Ҳозирги кунда устоз меҳнат нафақасига чиқиб кеттан. Аммо университет жамоаси уни ҳамон хурмат билан эслайди.

### **Зайнутдинова Нафиса Анварбековна**



Зайнутдинова Нафиса Анварбековна 1951 йил 11 июнда Тошкент вилоятининг Пскент шаҳридаги ўқитувчilar оиласида туғилган. 1973 йилда ТЭАИ электр алоқа мухандиси мутахассислигини тамомлади. 1973 йилдан 1978 йил сентябргача Алоқа вазирлигига катта мухандис лавозимида ишлаган.

1978 йилдан бошлаб, ТЭАИ АЭС кафедрасида катта лаборант, ассистент, 1990 йилдан бошлаб эса «ТТвАКТ» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу йиллар мобайнида 30дан ортиқ ўқув – услубий қўлланмалар чоп этган. Диплом лойиҳалари бўйича 200дан ортиқ талabalарга раҳбарлик қилган. Ҳозирда талabalarni масофадан ўқитишга ўргатиб, виртуал лаборатория ишлари устида ишламоқда. Устоз бир неча ҳалқаро ҳамда республика илмий – техник конференцияларда ўз маъruzalari билан фаол қатнашган.

Нафиса Анварбековна факультет талabalariiga мураббийлик қилади. Кафедрада ўқитиладиган кўплаб фанлар бўйича кундузги, сиртқи факультет талabalariiga лаборатория, амалиёт ва маъruzalar дарсини юқори савиядада олиб боради. Бугунги кунда

Н.А.Зайнутдинова ўқитган талабалар алоқа соҳасида фаол меҳнат қилмоқдалар.

Нафиса Анварбековна Ўзбекистон Республикаси Мустақиллитетининг 8 йиллиги муносабати билан Алоқа вазирлиги томонидан «Алоқа соҳасидаги самараадор меҳнатлари» учун фахрий ёрлиги билан тақдирланган. ТАТУнинг илмий – услубий кенгашида 1999 йилдан буён илмий котиб вазифасини бажариб келмоқда.

### Ибрагимова Марғуба Аббасовна



Ибрагимова Марғуба Аббасовна 1954 йил 8 апрелда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1976 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кимё – технология факультетини мувваффақиятли тамомлаб Тошкентдаги Пахта ўзеллюзаси технологияси илмий – текшириш институтида катта лаборант лавозимида ишлай бошлади.

1987 йилдан буён ТАТУда ишлаб келмоқда. Ушбу вақт ичida у хорижий талабалар деканатида катта методист лавозимида ишлади. 1998 йилда хорижий талабалар факультети фаолияти тутатилгандан кейин институт «Маънавият ва маърифат» бўлимида методист лавозимида ишлай бошлади. Институтда олиб бориладиган маънавий – маърифий ишларни ташкиллаштиришда фаол қатнашди.

Марғуба Аббасовна табиатан юмшок, хушфеъл, хушмуомала аёлдир. У ўзининг ажойиб инсоний фазилатлари билан кўпчилик орасида катта хурматга сазовор бўлган. Ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари билан университет жамоатчилик ишларини самарали олиб боришида яқиндан кўмаклашади. Марғуба Аббасовна

университетда ўтказиладиган турли кўрик – танловлар, мусобақалар, концертларни ташкил этишда фаол қатнা�шиб келмоқда.

### Идиатулина Элиза Мухамедовна



Идиатулина Элиза Мухамедовна 1937 йил 15 октябрда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 1944 йилда оиласиши шароити туфайли Тошкент шаҳрига кўчиб көлган. 1959 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультетини муваффақиятли тугатган. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика – техника институтига ишга юборилди.

Элиза Мухамедовна ушбу даргоҳда аввал катта лаборант, кейинчалик кичик илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатди.

1963 – 1971 йилларда Элиза Идиатулина Тошкент темир йўллари институтида аввал «Математика» кафедрасида, кейинчалик «Темир йўллар хисоби ва режалаштирилишни хисоблаш техникаси» кафедрасида ишлади.

1971 – 1974 йилларда Элиза Идиатулина аспирантурада таҳсил олди. 1975 йилдан бошлаб у Тошкент ахборот технологиялари университетида меҳнат фаолиятини бошлади. Элиза Мухамедовна «Олий математика» кафедрасида ишлаб, дарс берди. 1975 йилда Элиза Мухамедовна физика – математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Изотроп мухит учун ёпишқоқ эластик динамик назария масаласининг бальзи синфлари ҳақида» мавзууда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Институтда «Информатика» кафедраси ташкил топгандан кейин Элиза Идиатулина ушбу кафедрада ўз ишини давом эттирган. Устоз барча факультет талабаларига маъruzalар ўқиб, амалий машгулотлар олиб боради.

1989 йилда Мирзо Улуғбек тумани ўқитувчиларининг информатика фани бўйича малака ошириш курслари ташкил этилган. Элиза Мухамедовна мазкур курслар қатнашчиларига жонбозлик кўрсатиб, уларга информатика ҳамда компьютер сирларини ўргатди.

Университетда 1998 йилгача чет эл мамлакатлар талабалари ҳам таълим олгандилар. Элиза Мухамедовна уларга ҳам математика ва информатика фанларидан дарс берганлар. Идиатулина Элиза Мухамедовна ўз устида ишлайдиган, изланувчан, янгиликка ёндашадиган мохир педагогdir. Унинг 58дан ортиқ мақолалари иммий, ўқув – услугий қўлланмалари чоп этилган.

Кўп йиллар мобайнида Элиза Мухамедовна ўқув гурухларга мураббийлик қилиб келмоқда. Талабаларнинг яшаш шароити, билим олиш даражаси, дарсга қатнашиши, дарсдан ташқари бўш вақтларини қандай ўтказаётганларни билан доимо қизиқади.

Элиза Мухамедовнанинг педагоглик маҳорати ва самарали меҳнатлари бир неча бор ташаккурномалар ва мукофотлар, «Эсдалик медали» билан мукофотланган.

## Кан Алевтина Владимировна



электротехника алоқа

Кан Алевтина Владимировна 1937 йил 27 майда Россиянинг Хабаровск шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топди. Оиласи сабабларга кўра Тошкент шаҳрига кўчиб ўтган. Алевтина Владимировна мактабни 1955 йилда битириб, шу йилнинг ўзида Тошкент институтига ўқишга қабул қилинди.

Алевтина Владимировнанинг биринчи ўқитувчи – устозлари М.И.Астахов, Р.И.Мансуров, Х.З.Баскина, М.Г.Васильева, И.С.Андреев, Н.Н.Ликонцев, М.Ш.Зоҳидов ва бошқалар эди.

1960 йилда Алевтина Владимировна ўқишини телефон – телеграф алоқаси мутахассислиги бўйича тутатиб, электр алоқа мухандиси касбини олди. Аввали «Телефония», кейинчалик «Электр алоқа автоматикаси» деб аталадиган кафедрага асистент лавозимига ишга қолдирилди. Бу лавозимда 1967 йилгача ишлади.

1967 йилдан ҳозирги кунгача Алевтина Владимировна «ТТВАКТ» кафедрасида катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Устоз 70 – йилларда сиртқи бўлим декан мувонии вазифасида ишлаб, Самарқанд, Фрунзе, Душанба, Ашхобод, Олмаота шаҳарларига хизмат сафарларига бориб, маъruzalarар ўқиганди.

Алевтина Владимировна ТЭАИда ишлаб юрган вақтларида Москва ва Ленинград электротехника алоқа институтларида ўз малакасини ошириб келган. Алевтина Владимировна кафедра фанларидан маъruzalarар ўқиб, машқ ва лаборатория дарсларини

олиб борар эди. У 200дан ортиқ бити्रувчилар диплом ишларига раҳбарлик қилганди.

Алевтина Владимировна 45 йиллик иши даврида кафедрада чиқариладиган ўқув – услугий материаллар, хўжалик ҳамда давлат бюджет мавзуларини бажаришда, илмий – техник конференцияларда фаол қатнашди. Унинг 64 та илмий – услугий ва 73 та илмий ишлари чоп этилган.

Алевтина Владимировна ҳозирги кунда талабаларни илгор педагогик технологиялари бўйича ўқитиш услугбиятини қўллаш устида ишламоқда.

Алевтина Владимировнанинг хизматлари бир неча марта тақдирланган. У «Социалистик мусобақа аълочиси» белгиси, «Мехнат фахрийси» медали ҳамда Ўзбекистон Алоқа агентлиги томонидан берилган «Фахрий ёрлик» билан мукофотланган.

### **Карцевич Антонина Ивановна**



Карцевич Антонина Ивановна 1936 йил 19 сентябрда Намангандеги вилоятининг Учқўргон туманида таваллуд топган. 1957 йилда Тошкент алоқа политехникумини аъло баҳоларга тутатиб, Тошкент электротехника алоқа институтига қабул қилинди. 1962 йилда институтни тутатиб, «Узоқли алоқа» кафедрасига лаборатория мудири лавозимига ишга қабул қилинди.

1964 – 1965 йилларда Антонина Ивановна «РПРУ» кафедрасида асистент лавозимида ишлади. 1969 йилдан «Электрон ва квант

асбоблари» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимига ишга ўтказилди.

Антонина Ивановна талабаларга «Электрон ва квант асбоблари» фанидан маъруза ўқиб, лаборатория ва амалий машгулотларни олиб борганди.

1970 йилдан бошлаб 1992 йилгача сиртқи бўлим декани мувовини вазифасида, 1994 йилда қабул комиссияси биринчи котибининг мувовини вазифасида ишлаб, ўзининг меҳнатсеварлигини намоён қилди.

Антонина Ивановна талабалар гурухининг мураббийси, электрон асбоблар соҳасида юқори малакали мутахассис сифатида жуда яхши меҳнат қилди. Талабалар ва ҳамкаслари орасида катта обрў – эътибор қозонди, унинг меҳнатлари бир неча бор раҳматномалар, фахрий ёрлиқлар, мукофотлар билан тақдирланган.

1996 йилда Антонина Ивановна 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан меҳнат таътилига чиқди.

### **Каримова Умида Набиевна**



Каримова Умида Набиевна 1952 йил 6 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини тугатди ва кўп каналли алоқа мухандиси дипломини олди. Шу йилдан бошлаб «Алоқа техникасида ўлчашлар» кафедрасида ассистент лавозимида ишлай бошлади.

Умида Набиевна томонидан биринчи бор ишлаб чиқилган амалий иш «Методы измерения мощности на низких и высоких частотах» мавзусида эди. Шу билан бирга у ўз илмий изланишларини доцент М.Я.Мехциндор билан биргаликда «Микросхемаларни ишлаб

чиқаришда хатоликларни локализация қилиш учун информацион – ўлчаш системалари» мавзуси бўйича олиб борди. Натижада корхона катта даромадга эга бўлди, кафедра эса янги ўлчаш асблобарини сотиб олди.

Ўқитиши жараёнига янги технологияларни киритиш зарурати тугилганда Умида Набиевна доцент М.Г.Васильева билан биргаликда «Таълим жараёнига хисоблаш техникаси ҳамда ўқитишининг янги услубларини жорий этиш» мавзуси бўйича давлат бюджет ишини олиб боргандар. Умида Набиевна ТЭАИда биринчилар қаторида талабаларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш мақсадида компьютер дастурини ишлаб чиқди ва бунинг учун зарур бўлган «Электрорадио ўлчашлар», «Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш» фанлари бўйича тест саволларини тузди. Илмий изланишларини давом эттириш учун Умида Набиевна педагогика йўналиши бўйича раҳбар академик С.Раджабов ёрдамида илмий ишни олиб борди.

Умида Набиевна «Электрорадио ўлчашлар», «Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш», «Метрология, стандартлаштириш ва сертификация» фанлари бўйича маърузаларни кундузги, сиртқи ва маҳсус факультетлар учун ўқиди. 30дан ортиқ илмий ва ўқув – услубий ишларни яраттан.

Умида Набиевна кафедрада биринчи бўлиб дарсларни давлат тилида олиб борди. Илмий – услубий конференцияларида фаол иштирок этади.

У.Н.Каримова талабалар билан ишлашда ўз вақтини, билимини ҳеч аямайди. Талабалар билан ётоқхонада «ЭРЎ», «МС ва УК», «МСваС» фанлари бўйича маърузалар ўтказади. Жамоатчилик ишларида қатнашади, шу жумладан, ёш олимлар кенгашининг котиби, НТО РЕС аъзоси, НТТМ кенгаши аъзоси.

## **Ковалёва Людмила Александровна**



Ковалёва Людмила Александровна 1934 йилда Тожикистон Республикасининг Исфара шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. 1948 йилда Ковалёвалар оиласи Тошкент шаҳрига кўчиб келди. Л.А.Ковалёва 1956 йилда САГУ (хозирда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети)

физика – математика факультетини битирган. 1956 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика – техника институтига ишга йўлланма олди. Бу ерда Ковалёва 1960 йилгача ишлади.

1960 – 1961 йилларда Олмалиқ шаҳридаги Ўрта Осиё рангли металлургия заводининг гидрометаллургия лабораториясида мухандис – физик вазифасини бажаради.

1961 йилда Людмила Александровна Тошкент электротехника алоқа институти «Физика» кафедрасида аввал асистент, 1968 йилдан бошлаб эса, катта ўқитувчи лавозимида ишлади. Людмила Александровна бир нечта услубий қўлланмалар тайёрлашда қатнашган. Институт жамоачилик ишлари, талабаларни тайёрлаш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш ишларида фаол қатнашиб, бир неча йил давомида талабалар гурухига мураббийлик қилган.

Людмила Александровна 1968 йилда ККЭТ факультети декан мувовини вазифасига, 1974 йилда эса, институтнинг ўқув бўлими бошлиги этиб тайинланган.

Людмила Александровна серғайрат, хушчақчақ аёл. У талабалар билан ҳам тезда тил топишиб кетар эди.

Людмила Александровна ўз меҳнат фаолиятини 1989 йилгача давом эттириди, шу йили у нафақага чиқиб кетди.

### Костигова Ольга Константиновна



Костигова Ольга Константинова 1932 йил 8 марта Владимир вилоятининг Калчужн шахрида хизматчи оиласида туғилди. 1941 йилда у ота—онаси билан Тошкент шахрига эвакуация қилинди. 1956 йилда САГУнинг (хозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети) физика — математика

факультетини тутатиб, Ольга Константиновна ТЭАИнинг физика кафедрасига лаборант лавозимига ишга қабул қилинди. 1959 йилда Тошкент алоқа политехникумидаги ўқитувчи лавозимида ишлади. 1962 йил сентябрдан бошлаб кафедрага асистентлик лавозимига ишга қабул қилинди.

Ольга Константиновна физика лаборатория машқ дарсларини олиб борди. Бир нечта ўқув гурӯҳларида мураббийлик ишларини олиб борди.

Ольга Константиновна 1971 йилда кафедра катта ўқитувчи лавозимига сайланди. Ольга Константиновна жуда камтарин, камсуқум, меҳнатсевар аёл, у жуда кўп ёш ўқитувчиларга устозлик қилган, ўзи билган нарсаларини ёш ўқитувчиларга, талабаларга, кафедрадаги лаборантларга эринмасдан ўргатар, керакли саволларга жавоб бериб, маслаҳатлар ҳам берар эди.

Ольга Константиновнанинг самарали ва фаҳрли меҳнатлари бир неча бор институтимиз раҳбарияти томонидан тақдирланган.

Ольга Константиновна Костикова институтда 1988 йилгача ишлади. Ҳозирда устоз нафақада.

### **Костромина Ольга Емельяновна**



Костромина Ольга Емельянова 1937 йил 27 февралда Тошкент шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. 1959 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетини аъло баҳоларга тамомлаб, немис ва инглиз тили ўқитувчisi мутахассислигини эгаллади.

Ольга Емельяновна Самарқанд давлат университетининг «Романо – герман тиллари» кафедрасида ишлади. 1961 йилда оиласи билан Тошкент шаҳрига кўчиб келди ҳамда олий педагогика институтининг ўқув курсини тамомлади.

1964 йилдан Ольга Емельяновна Чет тиллар педагогика институтида «Немис тили грамматикаси» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Бу давр мобайнида педагогик касби билан бир қаторда илмий изланишлар ҳам олиб борди. 1972 йилда Ольга Емельяновна номзодлик диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасига эриши.


1974 йилдан бошлаб Ольга Емельяновна Тошкент электротехника алоқа институти «Чет тиллари» кафедрасида фаолият кўрсата бошлади, шу йилнинг декабр ойида кафедра мудири лавозимига сайланди. Ольга Емельяновна кафедра ишларини жонлантириш, талабаларнинг чет тилидан билимларини

ошириш, уларга тил ўрганишда яқындан күмаклашиш ишларини катта қизиқиши билан олиб борди.

Ольга Емельяновна ўқув, тарбиявий ишларни олиб бориш билан бир қаторда күплаб илмий–услубий ишларга раҳбарлик қилган. У 12та услубий қўлланмани чоп эттан.

1992 йилда Ольга Емельяновна раҳбарият томонидан «Фахрий ёрлик» ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ольга Емельяновна ўз касбининг устаси, чуқур билимли, етакчи педагог бўлиб, ёш ўқитувчидар ва талабаларга устоз сифатида институтимизда 1996 йилгача ўз фаолиятини давом эттириди.

### Котлобулатова Галина Сергеевна



Котлобулатова Галина Сергеевна 1941 йил 31 октябрда Қозогистоннинг Қизилурда шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1959 йилда Қизилурдадаги ўрта мактабни битирди. 1965 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини битирди ва Тошкент шаҳридаги АТСда мухандис бўлиб ишлай бошлади. 1968 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг АЭС кафедрасига асистент бўлиб ишга кирди.

1982 йилда Г.С.Котлобулатова номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасини қўлга киритди. 1984 йилдан бошлаб шу кафедрада доцент лавозимида ишлади.

Галина Сергеевна 20га яқин илмий–услубий ишлар муаллифи. У Москва шаҳрида тўрт марта малака ошириб келган.

Иттифоқ ва республика миңесидаги конференция ва семинарларда ўз маърузалари билан қатнашган. Институт ишларида фаол иштирок этган. Бир неча бор «Фахрий ёрлиқ» ва пул мукофоти билан мукофотланган.

Галина Сергеевна 1990 йил 5 ноябрдан бошлаб 1996 йил 1 майгача хорижий талабалар деканатида декан мувонини лавозимида ишлади. 1997 йилдан эса устоз нафақада.

### Корнильцева Галина Викторовна



Корнильцева Галина Викторовна 1941 йил 30 июнда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 1966 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетининг физик, ярим ўткизгичлар физикаси мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаган. Галина Викторовна ёш мутахассис сифатида

Тошкент электротехника заводига ишга йўлланма олган. У ерда 1966 йилдан 1971 йилгача ишлаган. 1971 йилда ташкил топган ОКБга, Александров шаҳрининг Владимир вилоятига мухандис бўлиб ишга кириб, кейинчалик катта мухандис бўлиб ишлаган, жамоат ишларида фаол қатнашган.

Галина Викторовна 1974 йилдан ТЭАИнинг "Электрон ва квант асбоблар" кафедрасида ассистент лавозимида 1996 йилгача (нафақага чиққунга қадар) ишлади. Галина Викторовна ўқув, ўқув – услугубий ва тарбиявий ишларни яхши олиб борганлиги, жамоат ишларида фаол қатнашганлиги учун бир неча маротаба "Ташуккурнома"лар билан тақдирланган.

Галина Викторовна институтнинг ҳамма факультетларида талабалар учун лаборатория ва амалиёт машғулотларини олиб борди. Галина Викторовна ўзининг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги, ширин сўзлиги, билимга чанқоғлиги билан ажralиб турган. Устоз ўқитувчилар ва талабалар орасида катта ҳурматта сазовор бўлган инсондир.

### Кропивницкая Любовь Николаевна



Кропивницкая Любовь Николаевна 1944 йил 23 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1965. йилда Тошкент Электротехника алоҳа институтининг Радиотехника факультетини муваффақиятли тутатиб, Тошкент алоҳа лойиҳа институтига йўлланма олди. Бу институтда 1967 йилгача мухандис лавозимида ишлади. 1967 йилдан бошлаб Любовь Николаевна Тошкент электротехника алоҳа институтининг «Телевидение ва радио» кафедрасида ассистент лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

1971 йилда Любовь Николаевна кафедранинг катта ўқитувчиси лавозимига ўтказилди. У кафедрада ўқув, ўқув – услугубий, илмий – тадқиқот ишларини бажаришда фаол қатнашди, «Электроакустика», «Радиоэшилтириш» фанларидан маъруза ўқиди, лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказди. Талабаларнинг курс ишларини, диплом ишларини ёзишга раҳбарлик қилди.

Любовь Николаевна раҳбарлигига 100дан ортиқ диплом ишлари ёзилди ва муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Любовь Николаевна илмий – техник конференцияларда маърузалари билан бир неча бор қатнашган. Унинг 47дан ортиқ илмий ва ўқув – услугбий ишлари чоп этилган. Устоз ўзининг педагогик маҳоратини бир неча маротаба малака ошириш институтларида оширган. Любовь Николаевна республикамизга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ўзининг хиссасини кўшиб келмоқда.

### Кузьмина Галина Николаевна



Кузьмина Галина Николаевна 1942 йил 16 июнда Фаргона шаҳрида туғилган. 1961 йилда ТЭАИнинг "Радиоалоқа ва радиоэшиттириш" факультетига ўқишига кирган. Ўша вақтларда олий ўқув юртларида ўқишилар амалий фаолият билан боғлиқ бўлганлиги учун Галина Николаевна "Электронтехника" заводига бош технолог бўлиб ишга юборилган.

У ерда Галина Николаевна ярим ўтказгич асбобларнинг ишлаб чиқарилиш технологияси билан танишди. Заводдаги иш фаолияти билан бир вақтда ўқиши 2 йил давом этди. 1966 йил декабрда институтни тутатиб "Радиоприёмник қурилмалари" кафедрасида ассистент лавозимида ишлашга қолди.

Галина Николаевна электрон асбоблар, электрон ва квант асбоблар, юқори частотали асбоблар бўйича лаборатория ва

амалиёт машгулотларини олиб борди. Шу билан бирга «Кучайтиргичлар» бўйича курс ишлари бажарилишига раҳбарлик қилди.

Галина Николаевна ўқитувчилик фаолиятида психология—педагогикани ўқиши, билиш лозимлигини тушуниб, Москвадаги Ломоносов номли давлат университетига аспирантурага ўқишига кирди. У ерда 1978—1981 йилларда таҳсил оғди. Ўқишини тутатиб яна жонажон институтига қайтиди ва "Электрон ва квант асбоблари" кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлади. Ўзининг педагогик ишларини давом эттириди ва катта ўқитувчи лавозимига ўтди.

Ҳозирги вақтда "Электрон ва квант асбоблари" кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Галина Николаевна электроника ва микроэлектроника, схемотехника, кимё, электрон ва квант асбоблари каби фанларни ўқитиш усуллари каби фанлардан дарслар олиб бормоқда. Битирувчиларнинг малакавий битирув ишларига маслаҳатлар беради. Магистрлик диссертацияларининг психология—педагогика қисмлари бўйича йўл—йўриқлар кўрсатади. Кафедрада ўқитилаётган фанлар бўйича маъruzалар матнларининг электрон нусхаларини тайёрлашда ёрдам беради. Галина Николаевна ажойиб инсон, у талабалар ва ҳамкаслар орасида катта хурматта сазовор.

### **Мандральская Нелла Викторовна**



Мандральская Нелла Викторовна 1935 йил 8 июлда Белоруссияда ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Отасининг иши туфайли оила бир неча жойга кўчиб

яшаган. 50 – йилларда Тошкент шаҳри уларнинг доимий яшаш жойига айланди.

Нелла Викторовна Тошкент шаҳридаги мактабни тамомлаб, М.В.Ломоносов номли Москва давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кирди. Ўқишини тамомлаб, Тошкентта қайтиб келди ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тарих институтида ишлай бошлади. 1967 йилдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар Нелла Викторовна Тошкент ахборот технологиялари университетида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Университетнинг «Тарих кафедраси»да асистент лавозимидан доцентлик вазифасига кўтарилиб меҳнат қилмоқда.

1981 йилда Нелла Викторовна тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Кинофотохужжатларини тарихий манбалаштириш» мавзуидаги диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

Нелла Викторовна талабаларга «Ўзбекистон тарихи» фанини ўргатиш, буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш борасида катта ишлар олиб бормоқда. Кафедрада 60дан ортиқ илмий мақола ва ўқув – услугбий қўлланмаларни чоп этди. Улар орасида монография ва кичик маъruzалар тўплами ҳам бор.

Нелла Викторовна охирги 2000 – 2004 йиллар мобайнида 21 та илмий ишларни чоп этди. Унинг кўп йиллик ва самарали меҳнатлари 1974 йилда СССР Алоқа Вазирлиги ҳамда ТЭАИ раҳбарияти томонидан бир неча маротаба «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирланган.

Нелла Викторовна ҳозирги кунда ТАТУнинг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида доцент лавозимида ўзининг 40 – ўқув йилида

мехнат фаолиятини давом эттироқда. Талабаларга республикамиз тарихини ўргатишида педагоглик маҳоратини намоён қилмоқда.

### Маркинг Людмила Иосифовна



Маркинг Людмила Иосифовна 1957 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1979 йилда Тошкент ҳалқ хўжалиги институтини муваффақиятли тутатиб, Тошкент электротехника алоқа институтига ишга йўлланма олди. Бу даргоҳда Людмила Иосифовна шу кунгача мехнат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Людмила Иосифовна аввал катта хисобчи, катта иқтисодчи ҳамда бош хисобчи муовини вазифаларида ишлаб келди. У ўзининг самарали меҳнати фаолиятида олийгоҳимизнинг ҳамма ҳаражат ҳужжатларини тўғри ва аниқ расмийлаштиришида иштирок этди.

Маркинг Людмила 26 йиллик меҳнат фаолиятида республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар, иш ҳақининг ўзгариши, миллий валютанинг ўзгариши, хўжалик ишларининг ҳаражат ишлари турлича бўлганлигининг гувоҳи бўлди. У ўзининг билимдонослиги туфайли бу ишларни тўғри ва аниқ тушуниб ҳал қилишга ҳаракат қиласди. Қўл остидаги ходимларга талабчан ва қаттиққўл.

Людмила Иосифовна кейинги йилларда университетнинг бош хисобчиси лавозимида ишлади. Ҳозирда у молия – режалаштириш

бўлнимининг мудираси лавозимида меҳнат қилмоқда. У институт жамоаси олдида катта эътиборга эришган.

Людмила Иосифовна 2 фарзанднинг онаси. Унинг самарали меҳнатлари муносаб тақдирланиб, 2003 йили «Ўз касбининг устаси» кўкрак белгисига сазовор бўлди.

### Мелеева Ольга Андреевна



Мелеева Ольга Андреевна 1940 йил 10 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1963 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. 1964 йилдан бошлаб шу институттада «Дискрет ахборотлар узатиш (ПДИ)» кафедрасида лаборант, кейинчалик лаборатория мудири вазифаларида ишлади.

1969 йилда институтни тутатгандан кейин шу кафедранинг асистент лавозимига ўtkазилди. Кейинчалик катта ўқитувчи лавозимига танлов асосида сайланди.

Ольга Андреевна кўп йиллар давомида педагогик фаолияти билан бир қаторда кафедранинг котиби вазифасини ҳам бажариб келди. Кафедранинг тартиб – интизоми, дарсларнинг ўз вақтида самарали ва юксак даражада ўтишини, ўкув ишларининг боришига амал қилас, дарс юклamasи, дарс жадвалини ўз вақтида бажарар эди.

Ольга Андреевна бир қанча илмий ва ўкув – услубий қўлланмаларни чоп этишда қатнашган.

Ольга Андреевна ўқув гурухининг мураббийси бўлиб ишлаган, сайлов компанияларда тарғиботчи бўлиб фаол ҳатнашган, қабул комиссияларда бир неча бор хизмат қилган.

Ольга Андреевнанинг раҳбарлигида кўпшина диплом ишлари химоя қилинган. У диплом антларга нисбатан талабчан, қаттиқўл эди.

Ольга Андреевнанинг битирувчилари алоқа соҳасининг ҳамма йўналишларида хизмат қилмоқда.

Ольга Андреевнанинг кўп йиллик самарали меҳнатлари раҳбарият томонидан бир неча марта мукофот ва «Фахрий ёрлиқ» лар билан тақдирланган.

1999 йилдан Ольга Андреевна нафақадалар.

### **Маҳкамова Хожия Маҳкамовна**



Маҳкамова Хожия Маҳкамовна 1920 йил 15 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1935 йилда Телеграфчилар курсига ўқишига кирди. Ўқишини битиргач, Тошкент Марказий телеграфида Бодо аппаратида ишлади. Бу аппаратда ишлаш анча мураккаб бўлиб, кишидан чаққонлик ва хушёрликни талаб қиласди.

Ишга астойдил киришиб кеттанлиги туфайли Хожия опа мингдан зиёд шошилинч номани аппаратда бехато узатадаган «Стахановчи мингчилар» қаторидан ўрин олди. Ўша йили Ўзбекистон комсомолининг съездига делегат бўлди. 1937 йилда эса Иттифоқ алоқачилари касаба ўюшмасининг Москвада бўладиган съездига делегат бўлди. Эндиғина 17 ёшга кирган бир ўзбек

қизининг бундай катта анжуманида қатнашиши ўша давр шароитида жуда катта воқеа эди.

1942 йилдан Махкамова Хожия СССР Алоқа Вазирлигининг Ўзбекистон халқи комиссариати вакилининг ўринбосари лавозимида ишлади. Урушнинг оғир дамлари, ҳамманинг диққат – эътибори фронтта қаратилган. Фронтдаң ҳонадонларга қора хатлар көлар, жангдан омон қайтаёттанларнинг аксарияти ногиронлар эди. Тошкентдан ҳар куни фронтта керакли ажномлар ва ишга яроқли жисмонан бақувват одамлар жўнатиларди.

Туман алоқа идорасига кечагина бошлиқ этиб тайёрланган одам бутун фронтта кетиб қолар, эртасига эса унинг ўринбосари ҳам жўнарди. Алоқа техникаси етишмас, ишлаб турганлари ҳам таъмиrlашга муҳтож эди. Вилоят партия ва ижроия қўмиталари мавсум ва шароитта қараб тадбирлар белгилар, тезкор гўрухлар, ҳар хил штаблар тузар эди.

Бутун вилоятлардаги алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашига эришиш биттагина қиз учун осон иш эмасди. Махкамова Хожия учун «Ишга ҳали эрта» ёки «Иш вақтим тугади» дёған гаплар йўқ, эди. Хожия Махкамовна қийналиб қолган вақтларида унга А.Е.Калюжний, бош мухандис А.С.Срибнийлар ёрдам беришарди.

1955 йилда Алоқа Вазирлиги ташкил этилгач, Махкамова Хожия Алоқа вазирининг ўринбосари вазифасига тайинланди. 1959 йилдан то нафақа тайинлангунига қадар вазирлик ҳайъатининг аъзоси ва ходимлар бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлади.

Махкамова Хожия вилоят, туман, хўжалик раҳбарлари билан иш юзасидан тез – тез учрашиб турарди. Вилоят аҳолиси орасида ҳам анча танилиб қолган эди. 1950 йилда вилоят кенгашига депутат бўлди.

1951 йилда биринчи бор, 1955 йилда эса Маҳкамова Ҳожия иккинчи маротаба Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлди.

Алоқа вазирлигининг ҳамма даврларидағи долзарб масалаларидан бири ходимлар муаммосидир. Шунинг учун ҳам қаңдай лавозимда ишлашида қатти назар, Маҳкамова Ҳожия вазирликда ишлаган 36 йиллик иш фаолиятининг асосий қисмини мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, раҳбарларни танлаш, лаёқатига қараб жой – жойига қўйиш, ходимларнинг кўнглига йўл топа билиш, лозим бўлса, ёрдам бериш ва химоя қилиш каби масалалар ташкил эттанди. Маҳкамова Ҳожия шуларни аъло даражада бажаришга ҳаракат қиласиди.

Маҳкамова Ҳожиянинг Вазирликда ишлаган даврида Алоқа вазирлиги А.Е.Калюжний, М.А.Шарков, В.Йўлдошев, Д.И.Мангельдин, Т.М.Тўхтаевлар билан шу масалалар юзасидан тез – тез фикрлашиб туради.

Шу пайтларда Тошкентда ташкил этилган ҳунар – техника билим юрти муттасил изланишлар натижасида алоқа корхоналарига малакали ишчилар етказиб бера бошлади ва тез орада Собиқ Иттифоқда бу соҳадаги намунали билим юртларидан бирига айланди. Кейинчалик бошқа вилоятлар марказида ҳам билим юртининг шахобчалари очилди. 1975 йилда Тошкент алоқа политехникумига (ҳозирда Алоқа коллежи) Нукус алоқа техникуми ҳам кўшилди.

Алоқа техникаси жуда мураккаб ва муттасил ўзгариб тақомиллашиб турадиган техника турларидан биридир. Бундай техника билан ишлаш учун эса чуқур назарий билимларга эга бўлган мухандислар керак. Алоқачи мухандислар тайёрловчи олийгоҳлар Москва, Ленинград, Новосибирск ва Одесса шаҳарларидағина бўлиб, ҳар йили битирувчиларни ишга тақсимлаш

вақтида Махкамова Хожия у ёки бу олийгоҳда бўлар, битирувчилар билан сухбатлашар ва уларни Ўзбекистонга таклиф этар эди.

Нихоят, 1955 йилда Тошкентда алоқа политехникуми биносида Ўрта Осиёда ягона бўлган Алоқа электротехника институти очилди. Янги инситутнинг моддий – техник базасини яратишда катта ишлар қилинди. Алоқа вазири М.А.Шарков, институт ректори М.И.Астахов ва Маҳкамова Хожия республикадаги олий маълумотли, етакчи мутахассислар билан сухбатлашиб, ўқитувчиликка лаёқати борларни институтга таклиф этдилар.

Мавжуд алоқа институтларидан ҳам ўқитувчилар жалб қилинди. 1960 йилдан бошлаб ўз муҳандисларимизга эга бўла бошладик, лекин Маҳкамова Хожия учун хотиржам бўлишга хаққи йўқдек туюлаверди. Шу боис ходимлар малакасини мунтазам ошириш масаласи опанинг кўз олдида кўндаланг бўлаверди. Бу борадаги саъи-харакатлари зоя кетмади. Вазирликнинг доимий курслари учун тўрт қаватли мухташам бино қурилди ва машгулотларнинг яхши самара бериши учун барча шароитлар яратилди. Кейинчалик бу бинода алоқа корхоналари раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш институти ташкил этилди.

Маҳкамова Хожиянинг ишда ҳам, ҳаётда ҳам ҳалоллик ва фаоллик шиори бўлди. Устоз мўлжалланган иши нихоясига етмагунича тиниб – тинчимасди. Баъзан Собиқ Иттифоқнинг нуфузли идораларидан берилган фахрий ёрлиқларини кўздан кечиришга, қатор орден ва медалларини тақишига тўғри келади.

Маҳкамова Хожия Алоқа вазирлигига бориб қолган вақтларида ҳам, кўча – кўйларда ҳам одамларнинг самимий хурматларини юрақдан хис этади.

Хожия Маҳкамовнадек ажойиб инсон, устоз ва мураббийнинг унумли ишлари бутунги кунда ҳам ўз самарасини бермоқда Энг муҳими, ТАТУ талабалари, кенг жамоатчилик ушбу ажойиб

инсоннинг хаёти, меҳнат фаолиятини барчалар учун намуна деб биладилар.

## Мирабидова Гаянель Журиматовна



Мирабидовна Гаянель Журиматовна 1931 йил 11 апрелда Наманган шаҳрида туғилган. Гаянель Журиматовна 1954 йилда М.В.Ломонсов номидаги Москва давлат университетини тамомлаган. Гаянель Журиматовна 1967 йилдан ТЭАИнинг «Сиёсий иқтисод» кафедрасида кабинет мудири лавозимида ўз иш фаолиятини бошлади. 1970 йилдан 1976 йилгача «Фалсафа» кафедраси ассистенти, 1976 йилдан бошлаб эса «Фалсафа ва илмий коммунизм» кафедрасининг катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

Унинг илмий изланиши учун танлаган мавзуи «Материальная культура узбекских рабочих» деб номланди.

Гаянель Журиматовна ўқитувчилик фаолиятида «Жамиятшунослик» ва «Илмий коммунизм» фанлари бўйича дарслар олиб борди. У СССР Фанлар академияси томонидан нашр этилган «Народы Средней Азии и Казахстана» номли рисола, ЎзССР ФА томонидан нашр қилинган тўплам, «К вопросу изучения узбекского рабочего класса» номли монографиялар тайёрлашда фаол иштирок этган. Г.Ж.Мирабидова ижтимоий фанларни ўқитишида катта ишларни амалга ошириди. У турли курс талабалари учун фанлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқди.

Гаянель Журиматовна жамоачилик ишларида ҳамиша фаол иштирок этиб келган. У институт томонидан ўтказилиб

келинадиган профессор – ўқитувчилар илмий – назарий анжуманларида қатнашган, ЎзССР МҚда ўриндошлик асосида маърузачи вазифасини ўтаб келган. У Институтдаги Халқ университети этика ва эстетика ишлари бўйича декан, Тошкент шахар Киров тумани «Билим» жамияти ревизия комиссияси раиси лавозимида ишлаган.

Гаянель Журиматовна институтда ижтимоий фанлар муаммолари бўйича ўтказилиб келинган конференцияларда, тадбирларда ўзининг мақолалари ва маъruzалари билан фаол иштирок этиб келган, ўзининг малакасини доимий ошириб борган.

Г.Ж.Миралидова меҳнатсеварлиги, камтарилиги билан институт жамоаси орасида катта обрўга эришган инсондир.

### **Миносянц Ольга Григорьевна**



Миносянц Ольга Григорьевна 1950 йил 17 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1971 йилда ТЭАИ кутубхонасининг ўқув бўлимига ишга келган. 1973 йилда Маданият техникумининг кутубхоначилик йўналишини сиртдан туттган.

Ольга Григорьевна 1975 йилда библиограф – кутубхоначи мутахассислигини эгаллагандан кейин, катта кутубхоначи лавозимга ўтказилган.

1986 йилда етакчи библиограф – кутубхоначи лавозимига ўтказилди. Шу даврғача ушбу лавозимда фаол хизмат қилиб келмоқда.

Ольга Григорьевна Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонасида 34 йил мобайнида фаоллик билан ишлаб келмоқда. Ёш кутубхоначиларга, талабаларга устоз сифатида ўз маслаҳатларини аямайди.

### Мирзаева Татьяна Андреевна



Мирзаева Татьяна Андреевна 1938 йил 23 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Татьяна Андреевна 1962 йили Тошкент электротехника алоқа институтида декан котиби вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади. Татьяна Андреевна «Радио» факультети декани М.Н.Ваулин хамда декан мувовини Л.Н.Шабалин раҳбарлигида 15 йил мобайнида ишлади.

1977 йилдан Мирзаева Татьяна ходимлар билан ишлаш бўлимида катта инспектор лавозимига ўтказилди.

Бу аёл ўз вазифасига маъсулият билан қарайдиган, интизомли, меҳнатсевар ходим бўлиб, талабалар бўлимига жавобгар щахс эди. Табиатан хушчақчақ, талабалар билан тез тил топиша оладиган бу ходима 25 йил мобайнида мазкур бўлимда самарали фаолият кўрсатди. Университетнинг жамоа ишларида фаол иштирок этди. Кўп йиллар мобайнида касаба уюшма аъзоси вазифасида хайрли ишларни бажарди.

Татьяна Андреевна университеттеда 41 йил давомида мекнат қылган бўлса, 19 марта ташаккурнома олган ва қимматбахо совгалар билан тақдирланган.

### Морозова Людмила Семёновна



Морозова Людмила Семёновна 1936 йил 25 августда Тошкент шаҳрида туғилган. 1958 йилда Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетини туттаган. Тошкент электротехника алоқа институтида 1957 йилдан 1995 йилгача ишлаб келган. 1963 – 1967 йилларда

Людмила Семеновна М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети фалсафа факультети эстетика кафедраси аспиранти бўлиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясини химоя қилди.

Л.С.Морозова 1966 йилдан бошлаб ТЭАИда аввал Марксизм – ленинизм кафедрасида, сўнгра Илмий – коммунизм кафедраларида ишлаб келган. У этика, фалсафа фанлари бўйича маъруза ва амалий машгулотларини юқори даражада олиб бўрган.

Людмила Семёновна Олий мактабда талабаларга фалсафа фанини ўқитиш ва эстетик тарбиялаш муаммолари бўйича илмий – амалий ишларни олиб борди. Людмила Семёновна томонидан «Научно – техническая революция и художественная культура», «Эстетическое воспитание – составная часть формирования нового человека» каби монография ва кўплаб бошқа илмий ишлар ёзилган.

Людмила Семёновна ижтимоий фанларни ўқитиши услубияти бўйича катта ишларни амалга оширди. Институтнинг кундузги, кечки, сиртқи бўлимлари талабалари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқди. Людмила Семеновна «Ижтимоий кафедралар кенгаши» аъзоси бўлиб келган.

Людмила Семёновна институт жамоатчилик ишлари бўйича маънавий – эстетик тарбия йўналишида қўп йиллар фаол иш олиб борди. Устоз ўзининг меҳнатсеварлиги, масъулиятлилиги билан ажралиб турган. У малакасини ошириш учун ўз устида доим ишлаб келган, илмий – амалий анжуманларда ўзининг маърузалари билан доим фаол иштирок этиб келган.

Л.С.Морозова «Билим» жамиятида фаол ишлади, ўз маърузаларини Тошкент шахри, вилоят муассасаларида ўқиди.

Л.С.Морозова 1991 йилдан 1995 йилгача «Сиёсий иқтисод ва сиёsatшунослик» кафедраси катта ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Хозирда устоз нафақада.

### Мўминова Раъно Абдурахмоновна



Мўминова Раъно Абдурахмоновна 1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1953 йилда у Ўрта Осиё политехника институтига ўқишга кирди. 1958 йилда институтнинг машинасозлик технологияси, металл қирқувчи станоклар ва асбоблар йўналишининг мухандис – механик мутахассислигини қабул қилинди. 1958 йилда политехника институтига ассистент лавозимига олди. 1958 йилда политехника институтига ассистент лавозимига

1978 йилда Тошкент электротехника алоқа институти «Мухандислик графикаси» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди.

Раъно Абдурахмоновна талабаларни ўқитиш билан бирга мухандислик графикаси бўйича услубий қўлланмалар ёзди. Ўқув гурӯхларга мураббийлик қилди. Иш билан оила ташвиши баравар кетар эди, турмуш ўртоқлари Эркин ака ҳам алоқачи бўлиб, алоқа техникумининг директорлик лавозимида кўп йиллар ишладилар. Фарзандлари ҳаммаси ўғил бола, шунинг учун Раъно Абдурахмоновна ўзлари ҳаммасига улгuriшлари керак эди.

Шу тариқа ҳаёт давом этади, фарзандлари вояга етиб учта ширин келин – қиз фарзандлар оиласа келишди. Лекин Раъно опа касалга чалиниб қолдилар. Шунга қарамасдан 1991 йилгача университетда катта ўқитувчи лавозимида ишлаб, меҳнат фаолиятини давом эттирдилар.

Раъно Абдурахмоновна мохир педагог, ажойиб инсон эдилар. Улар ёшларга ғамхўрлик кўрсатишга интилардилар, ўз маслаҳатларини аямайдиган, бошқаларга йўл – ўриқ кўрсатадиган бу ажойиб инсон ҳамиша ёдимизда қолади.

### **Нигматова Гулнора Нурханбетовна**



Нигматова Гулнора Нурханбетовна 1960 йил 18 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1978 йилда Фаниев номидаги техникумнинг бухгалтерия йўналишига ўқишига кириб, 1980 йилда корхоналарда бухгалтерия хисобчиси мутахассислиги бўйича тутатди.

Шу йилда майший хизмат кўрсатиш корхонасига хисобчи лавозимига йўлланма олиб, ишга жойлашди.

1988 йилдан бошлаб хозирги кунгача Тошкент аҳборот технологиялари университетида меҳнат қилиб келмоқда.

Гулнора Нурханбетовна 1990 йилда Тошкент давлат университети фалсафа ва иқтисод факультетининг сиртқи бўлимига ўқишига кирди. Ўқиши билан бир вақтда ишини ҳам давом эттириди.

Гулнора Нигматова 1996 йилда ТАТУнинг бош хисобчи ёрдамчиси лавозимига ўтказилди ҳамда «Иқтисод назарияси» кафедрасида ўқитувчилик лавозимида педагогик фаолиятини бошлади.

Гулнора Нурханбетовна ўз устида тинмай ишлайди, доимо изланишда, илмий иш билан ҳам шугулланади. 1997 йилда «Маркетинг менежмент» кафедрасида илмий иш мавзуи тасдиқланди.

2000 йилда Гулнора Нигматова университетнинг бош хисобчи лавозимига тайинланди.

Албатта, оиласи, шунча иш билан банд бўлган аёл учун бу вазифалар кўп, лекин Гулнорахон бу қийинчилкларни енгиш учун тинмай меҳнат қилмоқда. Илмий конференция ва семинарларда қатнашиб, 5 та мақола чоп этди.

Гулнора Нурханбетовна университет хотин – қизлар кенгашининг аъзоси сифатида маънавий – маърифий ишларда ҳам узлуксиз қатнашиб келмоқда.

Гулнора Нурханбетовна камтарин, меҳнатсевар, вазифасига масъулият билан ёндашадиган мураббийдир, қўл остидаги ходимларига талабчан, қаттиқўл раҳбар.

У оиласи, 2та фарзанднинг онаси.

## **Нуриллаева Маъмура Халиловна**



Нуриллаева Маъмура Халиловна 1949 йил 10 марта Тошкент шаҳрида туғилган. Маъмура Халиловна 1971 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини тутатиб, «Автоматик электр алоқа» кафедрасининг лабораториясида катта лаборант лавозимига ишга кирди. Шу лавозимда 2 йил ишлади. 1973 йилда

кафедра асистенти лавозимига ўтказилди. 1993 йилдан бошлаб эса Маъмура Халиловна катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Х.Нуриллаева иш жараёнида чуқур билимга, яхши педагогик қобилиятта эга эканлигини ўз меҳнати орқали исбот қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигидага 100дан ортиқ талабалар диплом ишлари, битирув малакавий ишлари бажарилиб, муваффақиятли химоя қилинган.

Маъмура Халиловна талабаларни давлат тилида ёзилган услубий қўлланмалар билан таъминлаш борасида ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўз меҳнат фаолияти даврида Маъмура Халиловна 2 та ўқув қўлланма, 7 та маъruzalар матни, 4 та ЭАБС бўйича курс лойихасини бажаришга услубий қўлланма, 25 та лаборатория ва амалий машгулотлар учун услубий қўлланмаларни чоп эттирган.

Маъмура Халиловна тайёрлаган услубий қўлланмалардан 5 та маъruzalар матни ва 7та лаборатория ишидан услубий қўлланмалари масофадан ўқитиш учун тайёрланган.

Бундан ташқарии, ўқув ишларини, тарбиявий ва илмий тадқиқот ишларини ҳам сифатли бажариб келмоқда.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақилликининг 8 йиллиги байрами муносабати билан Маъмурда Халиловна «Аъло даражали мутахассис» фахрий нишони билан тақдирланган.

### Павлова Светлана Ивановна



Павлова Светлана Ивановна 1938 йил 13 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факултетини тамомлади ҳамда рус тили адабиёти ўқитувчisi касбини эгаллади. 1963 йилдан бошлаб ТАТУда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўша пайтда рус тили дарси асосан ўзбек гурух талабаларига ўтиларди. Шунинг учун Светлана Ивановна талабаларга рус тили ва адабиёт фанларидан дарс берган. 1976 йилдан 1981 йилгача сиртқи бўлим декан мувовини вазифасида ишлаган.

Светлана Ивановна кўп йиллар мобайнида гурух мураббийси бўлиб, талабалар билан тарбиявий иш олиб борган. Қардош республикалар Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон пойтахт шаҳарларига бориб, кириш имтиҳонларини қабул қилиш комиссияси ишида қатнашган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги Олий Педагогика институтида бир неча маротаба ҳамда Ленинград электротехника алоқа институтида икки ойлик курсда малака ошириб келган.

Хозирги кунда Светлана Ивановна университетнинг «Ўзбек ва рус тиллари кафедраси»да ўзининг 42 – ўқув иилида катта ўқитувчи лавозимида самарали меҳнат қилиб, педагоглик фаолиятини давом эттироқда.

### Раджапова Раъно Нураддиновна



Раъно Нураддиновна Раджапова 1959 йил 19 майда ҚҚАССРнинг Тўрткўл вилоятида таваллуд топган. 1976 йил Беруний шаҳридаги алоқа тутунида электромонтёр лавозимида иш фаолиятини бошлаган. 1977 йилда ТЭИС (хозирда ТАТУ) қошидаги тайёров курсида таълим олиб, 1983 йилда ТЭИС (ТАТУ)нинг кўп каналли электралоқа факультетини

тамомлаган ва «Кўп каналли электр алоқа (МХ)» кафедрасига асистент лавозимига ишга таклиф қилинган.

1983 – 1993 йилларда асистент, 1993 йилдан бошлаб эса катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамоат ишларида фаол қатнашади, устоз, мураббий сифатида ўз ишининг мохир устаси телекоммуникация соҳаси бўйича бакалаврларни етказиб чиқаришда ўз хиссасини қўшмокда.

Хозирги пайтда бу битирувчилар нафақат республикамиизда, балки қўшни давлатларнинг алоқа тармоқларида етук мутахассис сифатида ишлаб келмоқда. Бир неча услубий қўлланмалар ва маъруза матнларини давлат тилида чоп эттирган.

Раъно Нураддиновна самарали меҳнатлари учун бир неча бор университет томонидан, 2002 йил май ойида эса Ўзбекистон почта

ва телекомуникациялар агентлиги томонидан «Ўз касбининг устаси» нишони билан тақдирланган.

Раъно Нураддиновна Раджапова оилали, 4 фарзанднинг онаси.

### Раҳматуллаева Моҳирахон Файзуллаевна



Рахматуллаева Моҳираҳон Файзуллаевна 1951 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1973 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетини тамомлади. Шу йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институтига ишга йўлланма олди. Электроника институтида мухандис, лавозимларда.

тадқиқотчи – изланувчи юрсатди. 1981 йилдан бошлаб хозирги кунгача Тошкент ахборот технологиялари университетида ишлаб келмоқда.

1981 – 1987 йилларда Моҳирахон Файзуллаевна физика кафедрасида катта лаборант лавозимида ишлади. У катта лаборант бўлишига қарамасдан, ишдан ташқари вақтда кечки бўлимда, кундузги ва сиртқи бўлимларда физика лаборатория дарсларини олиб борар эди, хатто ёзги таътил кунларида тайёрлов курсларда хам соатбай иш олиб борарди.

1987 йилда Моҳира Раҳматуллаева асистентлик лавозимига ўтказилди. Бу йиллардан бошлаб ўз устида кўп ишлади, сиртдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти аспирантурасига кирди. Ишдан бўш вақтларида Ядро физика институтида университетимизнинг илмий ишлар бўйича собиқ проректори, мархум Маҳамаджон Собирович Юнусов ҳамда

физика кафедрасининг доценти мархум Юнусбек Юсуфбекович Абдурахмоновлар раҳбарлигидаги тажрибалар ўтказар ва натижалар олар эди. Орада Тошкент давлат техника университети қошидаги олий педагогика ва муҳандислик институтида малака ошириб келди.

Моҳира Файзуллаевна асистентлик вазифасидан бошлаб умумий физика курсидан тайёрлов курси талабалари учун, физикадан лаборатория ва машқ бўйича ўқув – услубий қўлланмалар чоп эттирди. Моҳира Файзуллаевна 5 йил мобайнида қабул комиссияси ишида қатнашиб, имтихон қабулида иштирок этди. Душанбе шаҳрида институттага қабул қилиш комиссияси ишида иштирок қилганлар.

1991 йилда Моҳирахон Файзуллаевна физика – математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Капиллярная жидкокофазная эпитаксия фотоэлектрический GaP и GaAlP структур» мавзууда номзодлик диссертациясини химоя қилди. Бу диссертациясини Моҳира Файзуллаевна 4 та фарзанди бор бўлишига қарамасдан, мақсад сари ҳолмай – толмай интилиб бажарди. Бу меҳнатларнинг маҳсули сифатида катта лаборант вазифасидан доцентлик лавозимигача кўтарилиди, яъни 1992 йилда доцент вазифасини бажарувчи лавозимига ўтказилди.

Моҳира Файзуллаевна масъулиятни сезган ҳолда кафедрада шижаот билан ишлади. Турли факультетларда маъруза ўқиди, лаборатория, машқ дарсларини юқори савиядага олиб боришга харакат қилди. 1995 йилда Олий аттестация комиссияси томонидан унга доцент илмий унвони берилди.

Рахматуллаева Моҳира кўп йиллардан буён университетнинг жамоа ишларида фаол иштирок этади, сайлов компанияларида бир неча бор тарғибот ишларини олиб борди, университет маънавий – маърифий ишлар кенгашининг аъзоси бўлиб ишлаган, 1998 – 2004

йилларда университет хотин – қызлар кенгашы раиси бўлиб фаолият кўрсатди.

Рахматуллаева Мохира опа кўп йиллар давомида гурух мураббийси сифатида ишлади, улар билан ажратилган участкаларда кечки навбатчиликларда қатнашган, ёзги таътил кунлари Юнусобод тумани хокимиятига қарашли қурилиш участкаларида талабалар билан ишлаган. Ўзининг гурух талабаларицинг ўқиши, яшаш шароити, дарсдан кейинги вақтини ўтказишидан хабардор бўлиб, уларга ҳамиша ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиласди.

Мохира Файзуллаевна самарали меҳнати давомида кундузги ва сиртқи талабалари учун физикадан ишчи дастур, лаборатория ва машқ дарсларидан услубий қўлланмаларидан 24 тадан ортигини чоп эттирган. Унинг илмий мақолалари қўшни республика илмий – техник журнallарда чоп этилган. Университет миқёсида ўтказилган илмий – амалий анжуманларда мақолалари билан қатнашган. Гидрогеология илмий текшириш институти лаборатория ходимлари билан халқимизга ичимлик суви етказиб беришда ер ости сувининг тозалигини текширишда электр ва магнит майдонлар ёрдамида таҳлил қилиш бўйича мақола тайёрлаб, экология бўйича ўтказилган конференцияда қатнашган.

Мохира Рахматуллаева ўз қасбий маҳоратини ошириш устида хеч тиниб – тинчимайди, Миллий университет қошидаги Олий Педагогика институтида бир неча маротаба малакасини ошириди, лотин алифбоси бўйича курсни тамомлаб, сертификат олди. Лотин алифбосига ўтишимиз сабабли, ҳозирги кунда физикадан механика бўлими бўйича машқдан масалалар тўплами, тебраниш ва тўлқинларда машқ бўйича услубий қўлланма устида иш олиб боряпти.

Рахматуллаева Мохира Файзуллаевнанинг самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, бир неча марта пул ва қимматли

совғалар билан, ташаккурномалар билан, 2001 йилда республика хотин – қизлар кенгаши раиси Дилбар Гуломова томонидан «Фахрий ёрлик» ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан «Фахрий ёрлик» билан тақдирланган.

Хозирги кунда Моҳира Файзулаевна университет хотин – қизлар кенгашининг аъзоси, гурух мураббийси, кафедрадаги 12 та мураббийга бош мураббий сифатида меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда. У ўз кафедрасидаги барча касбдошлари, университетдаги ҳамкасабалари ва ходимлар, талабалар ишончини қозонган, катта обрў – эътиборга сазовор бўлган мураббийдир. Ўзидан кичик бўлган ёш педагогларга ва талабаларга устоз сифатида ҳар доим керакли маслаҳатлар беради ва ёрдамини аямайди.

Моҳира Раҳматуллаева ўзининг меҳнат фаолиятида Республикализнинг равнақи, келажаги учун талаба ёшларга чуқур билим, тарбия бериш билан бир қаторда оиласда ҳам фарзандлари, набираларининг одоби, ахлоқига, билим олишига катта аҳамият беради.

### **Рахмонбердиева Мунира**



Рахмонбердиева Мунира 1945 йил 17 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1970 йилида Тошкент электротехника алоқа институтини битириб, «ЭПУС» кафедрасида катта лаборант лавозимида ишга қолдирилди. 1971 йилда «ПДИваТ» кафедрасига лаборатория мудири бўлиб ишга ўтказилди.

1976 йилда шу кафедра номидаги илмий текшириш лабораториясига мухандис вазифасига тайинланди.

1981 йилда қайтадан лаборатория мудири лавозимига ўтказилди.

Мунира Раҳмонбердиева ўзининг самарали мөхнати фаолиятида талабаларнинг назарий билимларини мустахкамлашда, диплом ишларининг бажарилишида, кафедранинг деярли ҳамма лаборатория асбобларини дарсга таҳт қилишда, уларнинг носозлигини қайта тузатишда, ҳамиша огоҳ бўлиб турди. Кўл остидаги лаборант ҳодимлар билан тил топишиб, уларга устоз ва мураббий бўлиб келган. Ўзига топширилган ишларни ўз вақтида ва аъло даражада бажариб келган. Лабораторияларни таъмирлашда ва созлашда фаол иштирок этди.

Мунира Раҳмонбердиева интизомли, камтарин, ўз ишига масъулиятли бўлганлиги сабабли бир неча йиллар мобайнида Юнусобод тумани ҳалқ судида ҳалқ маслаҳатчиси бўлиб қатнашиб келган. Бу аёл ҳаётда ҳам ўзидан кичик ҳодимлар ва дугоналарига доно маслаҳатчи ва тўғри йўл кўрсатувчи шахсадир.

Мунира Раҳмонбердиева хамкасабалари, талабалар ва педагоглар орасида катта хурматта сазовор. Унинг самарали мөхнатлари раҳбарият томонидан бир неча бор қимматбахо совғалар ва «Фахрий ёрлик» лар билан тақдирланган.

Мунира Раҳмонбердиева Тошкент ахборот технологиялари университетида қарийб 34 йил мобайнида самарали мөхнат қилиб, 2004 йилдан бошлиб фарзандлари ва набиралари билан биргаликда қариллик гаштини сурмоқда.

## **Сайдова Малика Мәліковна**



Сайдова Малика Мәліковна 1955 йил 29 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1978 йилда Тошкент давлат университетининг «Тарих» факультетини тутатди. Шу йили университетда тадқиқотчи – изланувчиче лавозимида ишлади. 1980 йилда Тошдұ аспирантурасында ўқишиңде кирди.

У 1985 йилида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Үрта Осиё республикаларида (1926 – 1932 й.) ишчилар синфининг шаклланиши» мавзууда номзодлық диссертациясина мұваффақиятты химоя қылды.

1985 – 1992 йилларда Тошкент кишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизацияси институтида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1998 йилда Малика Мәліковна ТАТУдаги тарих кафедраси мудири лавозимига тайинланди. Малика Сайдова кафедрада ёш бўлишига қарамасдан сидқидилдан иш олиб борди. 20дан ортиқ илмий – услубий ва ўқув – услубий ишларини чоп эттириди.

Малика Мәліковна раҳбарлигига кафедрада Ўзбекистон тарихи бўйича бир нечта мақолалар тўплами чоп этилган.

Сайдова Малика университетда ҳар йили ўтказиладиган илмий – амалий конференциялар ва жамоа тадбирларида доимо қатнашди. У университет жамоаси орасида хурматта сазовар бўлди.

2003 йилда Малика Сайдова самарали меҳнатлари учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Фахрий ёрлик» билан тақдирланди.

## Слинко Таисия Алексеевна



Слинко Таисия Алексеевна 1937 йил 18 февралда Севастополь шаҳрида таваллуд топган. 1960 йили Ленинград давлат библиотека институтини тутатган. 1967 йилда Тошкент давлат университетининг рус тили ва адабиёти бўлимини тутатди. 1970 йилгача Тошкент темир йўллари транспорт институтидаги кутубхоначи, кейинчалик катта кутубхоначи ва асосий кутубхоначи лавозимларида ишлади.

1977 йилдан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетидаги кутубхона директори бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таисия Алексеевна кутубхонадаги барча бўлимларда ишнинг қандай бориши, кутубхона жамғармасини янги адабиётлар билан тўлдириш ишини назорат қилиш билан бир қаторда, ўзбек ва рус тили кафедрасида ўриндоцлик асосида ўқитувчи лавозимида ишлаб, талабаларга рус тилидан бир неча йиллар мобайнида дарс берди. Абитурентларнинг тайёрлов курсида ҳам рус тили ва адабиётидан дарс олиб борди.

Таисия Алексеевна гурух мураббийлари билан келишган холда талабалар билан кутубхонада қандай китоблар бор, улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги хақида сухбатлар ўтказиб туради. Ҳозирда янги – янги қўлланмалар, техникадан дарсликлар ва бадиий китоблар аниқланмоқда. Уларни қайси бўлимда, қандай фойдаланиш мумкинligини, электрон кутубхонадан қандай фойдаланишни ўрганиш керак.

С.Т.Алексеевна кутубхонадан фойдаланиш тўгрисида бир нечта қўлланмалар чоп этган.

Таисия Алексеевна 28 йилдирки, Тошкент ахборот технологиялари университетининг кутубхона директори лавозимида ишлаб келмоқда, талабаларга, ёш библиограф – кутубхоначиларга ёрдамини аямасдан, меҳрибон устоз ва мураббий бўлиб фаолият кўрсатаяпти.

Унинг севимли икки қизи ва битта набираси бор.

### Сон Лариса Владимировна



Сон Лариса Владимировна 1934 йил 12 марта Хабаровск шаҳрида туғилган. 1957 йилда САГУни тутаттан. Шу йилда ЎзССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида кичик илмий ходим вазифасидан меҳнат фаолиятини бошлаган. Лариса Владимировнанинг вазифаси ва иши

Шимолий Америкада ўсадиган ноёб ўсимликларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш мавзуида эди. Бу ноёб ўсимликлар Фанлар академиясининг кўргазма залида бир неча маротаба кўргазмага қўйилганди. Ҳайъат аъзоларининг кўрсатмасига асосан, бу ўсимликларни кўкламзорлаштиришда ишлатиш бошланди, шунингдек, бу ўсимликлардан Тошкент электротехника алока институти (ТАТУ) худудида ҳам фойдаланилди.

Лариса Владимировна 1973 йилдан бошлаб ТЭАИда ишлади. Сиртқи бўлим талабалари билан мулоқотда бўлиб, ўқув – маслаҳат бўлимининг бошлиги лавозимида иш юритди. Бўлимнинг вазифаларига сиртқи бўлим, диплом ишларининг якуни, химоя қилишини кузатиш ҳамда ички тартибда хужжатлаштириш ишлари киради.

Сон Лариса Владимировнанинг самарали меҳнатлари бир неча маротаба ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Бу аёл университетимизда нафақага чиққандан кейин хам 10 йил давомида ишлади.

Лариса Владимировнанинг меҳнатлари узоқ – яқиндан келган, бир неча йиллик иш стажига эга бўлган талабаларнинг хеч эсидан чиқмаса керак, чунки улар ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда сиртқи бўлимда ўқир эдилар.

### Степановна Елена Адольфовна



Степановна Елена Адольфовна 1944 йил 21 майда Андижон шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топди. Тошкент электротехника алоқа институтида аввал катта лаборант, кейинчалик асистент лавозимларида меҳнат фаолиятини бошлади. 1970 йилда асистентлик лавозимига қайта сайланди. Елена Адольфовна «Физика» кафедрасида деярли хамма вазифаларни бажарар эди.

Лаборатория ишларини ишга қўйиш, ҳар бир лаборатория ишига ўқув – услугий қўлланма ёзиш, маъruzалар матнини ёзиш каби ишларни ҳаммадан аввал ўз вақтида тайёрлар эди. Дарсларни юқори савияда олиб боради. Талабаларга чуқур билим беришда юксак педагогик маҳоратини намоён этади.

Елена Адольфовна кўп йиллар давомида талабалар гурухига мураббийлик қилган. Ётоқхонада хам мураббий бўлиб ишлаган. Кафедрадаги хужжатларни расмийлаштириш, дарслар жадвалини тузиш, дарслар юкламасини таксимлаш, хисоботларни тайёрлаш

каби ишларни аниқ ва пухта бажаради. Кўп йиллар давомида кафедра котиби бўлиб ишлади.

1989 йилда Елена Адольфовна катта ўқитувчи лавозимига сайланди. У талабалар билан ишлашда ишчан, гайратли, ташаббускор ва талабчандир.

Елена Адольфовна Тошкент давлат техника университети қошидаги мухандислик педагогика институтида ва Миллий университеттада қошидаги Олий Педагогика институтида бир неча маротаба малака ошириш курсларида ўқиди.

Елена Адольфовна самарали меҳнати давомида 25 тадан ортиқ илмий – услубий қўлланмалар чоп этди, кундузги, сиртқи, кечки бўлим талабалари учун физикадан ишчи дастурлар тайёрлади. У ўз вазифасига масъулият билан қарайди, мураккаб вазиятларда ўз фикрини, пухта назарини хаммага тушунарли этиб кўрсата оладаган педагогикдир. У профессор – ўқитувчилар, талабалар ўртасида катта обрўга эга, хурмат, эътибор қозонган.

Елена Адольфовнанинг ўқиган маърузалари, ёш пёдагогларга берган ўтитлари, талабаларга берган сабоқлари ҳеч қачон унуптилмайди, у тайёрлаган, маъруза ўқиган талабалари физикадан олимпиядаларда 1 – ўринни олишган эди, тайёрлаган илмий маърузалари талабаларнинг илмий конференциясида муносиб ўрин эгаллаган эди.

Заҳматкаш, педагогик тажрибага бой бу мухтарама аёл бир даргоҳда, бир кафедрада 36 йил мобайнида фаолият кўрсатди (2004 йили нафақага чиқди). Унинг самарали меҳнатлари бир неча марта «Фахрий ёрлик»лар ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирланганди.

Степановна Елена Адольфовнанинг 2 фарзанди ва набиралари бор, иккаласи ҳам олий маълумотли.

## **Сулейманова Галина Николаевна**



Сулейманова Галина Николаевна 1953 йил 27 августда Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида таваллуд толган. 1982 йилда Ф.Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти инглиз тили факультетини мұваффақиятли тутатыб, инглиз тилидан ўқитувчи касбини әгаллади. Шу йили

Тошкентдаги 122 – ўрта мактабда инглиз тили ўқитувчиси вазифасида ўз меҳнат фаолиятини бошлади.

Кейинчалик 82 – ўрта мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Бу иккала мактабда ҳам ўқитувчиллик касбини вижданан сидқидилдан бажарғанлиги, ўқитувчилар билан тил топа олганлиги учун, жамоа ишларида фаол иштирок этганлиги сабабли тарбия ишлар бўйича мактаб директори муовини лавозимида ишлади.

Галина Николаевнанинг раҳбарлик қобилияти, жамоада ишлаш қобилияти педагоглар билан муносабатда, самарали меҳнатида намоён бўлди. Бу аёл хушчақчак, тиниб – тинчимас ва ўта камтарин инсондир. У ўз устида жуда кўп ишлайди, ҳамиша ўз малакасини оширишга интилади.

1993 – 1994 йилларда Абдулла Авлоний номидаги Педагоглар малакасини ошириш институтда 9 ойлик курсда ўқиб, «Халқ таълими тизимида амалий психолог» мутахассислиги бўйича диплом олди.

1994 – 1996 йилларда эса Қозон шаҳридаги педагогларнинг малакасини ошириш институтида «Инглиз тили услубияти» бўйича билим олди ва шу даргоҳда ишлади.

Галина Николаевна 1997 йилда жонажон 122—ўрта мактабга қайтиб меҳнат фаолиятини давом эттириди. Шу билан бир қаторда, Тошкент электротехника алоқа институтида ҳам асистентлик лавозимида ишлай бошлади.

1998 йилда Жаҳон тиллари университетида ўз малакасини ошириб, ўз касбини севадиган, жонкуяр бўлганлиги сабабли «Чет тиллари» кафедрасига мудир лавозимига тайилланди. 2000 йилдан Миллий университет қошидаги Олий Педагогика малака ошириш институтида ўқиб, сертификат олди.

Галина Николаевна ўрта мактабдаги самарали меҳнати, педагоглик маҳорати билан бир қаторда илмий ишлар ҳам олиб борди. Унинг раҳбарлигидаги кафедрада 25 та илмий мақола, 14 та ўқув – услубий қўлланмалар чоп этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетида компьютер ишларини инглиз тилига таржима қилишга раҳбарлик қилди, университетнинг йўналишлари бўйича чиқарилган китобни инглиз тилига таржима қилишда қатнашди. Бундан ташқари, «Истеъдод» жамғармаси йўналиши бўйича қатнашди.

Галина Николаевна талабалар, ёш мутахассислар ва ўқитувчилар учун инглиз тилида электрон тестларни ишлаб чиқди. Ҳозирги кунда Галина Николаевна Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари асоциациясининг аъзоси бўлиб, конференция ва семинарларда қатнашган, ўзининг инглиз тилини ўрганиш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашни йўлга қўйди. 2004 йилдан эса ахборот технологиялари бўйича университетимиз қошидаги марказда малакасини ошириди.

Галина Сулаймонова меҳнатсевар, тутма жамоатчи, ҳамкаслари, бошқа кафедрадаги педагоглар орасида катта обрўга эга.

Галина Сулаймонова бир ишни бошласа, охиригача етказмай қўймайди. У ўта талабчан, интизомли, жавобгарликни сеза оладиган раҳбар бўлиб, қўл остидаги ходимлар, ўқитувчи ва мураббийлардан ҳам шуни талаб қиласди.

Галина Сулаймонова меҳнат фаолияти билан бир қаторда оиласида ҳам меҳрибон она ва севимли буважонлигини унутмайди. Фарзандлари ва набираларининг иссиқ – соvuғидан, тарбиясидан, одобидан доимо боҳабар. Бу аёл меҳнатини, ёрдамини ҳеч кимдан аямайдиган ажойиб устоз ва мураббийдир.

### **Сунчелеева Адилия Ришадовна**



Сунчелеева Адилля Ришадовна 1947 йил 15 апрелда Россиянинг Лъвов шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1962 йилда оиласи билан Лъвовдан Тошкент шахрига кўчиб келди. 1965 йилда Тошдудунинг физика факультетига ўкишга кирди. 1970 йилда Тошдуни битириб кичик илмий ходим сифатида ВНИИТЛнинг филиали Тошкент автоматика бўлимiga юборилди.

Адилля Ришадовна 1974 йилда ТЭАИнинг физика кафедрасига асистент бўлиб ишга кирди. Шу лавозимга у бир неча марта қайта сайдланган. Кафедрада олиб бориладиган лаборатория, машқ дарсларини жуда масъулият билан ўтказган. Бир нечта илмий ва услубий қўлланмалар чоп эттирган. Адилля Ришадовна билимли математик.

А.Р.Сунчелеева ҳам отаси каби чуқур билимли, меҳнаткаш инсон. У ўз устида жуда кўп ишлайди, бир неча бор малакасини оширган. Ҳатто дарсдан ташқари инглиз тили билан шугулланар

эди. 1996 йилда Адилия Ришадовна «Замонавий телекоммуникация усуллари билан ўқитиши» мавзуида ўтказилган танловда қатнашиб, ғолиб чиқди ҳамда АҚШга З ойлик стажировкага боришга муваффақ бўлди.

1998 йилда Адилия Ришадовна «Масофадан туриб ўқитиши» мавзуида ўтказилган танловда қатнашиб, ғолиб чиқди ҳамда Вашингтонга боришга муваффақ бўлди.

2002 йилда эса Адилия Ришадовна яна бир грантта қатнашиди ва ғолиб бўлиб АҚШнинг Невада штатига бориб келди. Адилия Ришадовна бу билан чекланиб қолмасдан, ўз фарзандларига ўрнак бўлди. Улар ҳам чет элда тахсил олдилар.

А.Р. Сунчелеева тиниб – тинчимас, сергайрат аёл, у педагогик фаoliятини университетда 2002 йилгача давом эттириди.

### **Туленова Насира Шакаримовна**



Туленова Насира Шакаримовна 1935 йил 14 декабрда Жанубий Козогистоннинг Сайрам райони Қорамурт қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1967 йилда Козогистон давлат университети юридик факультетини хуқуқшунос мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1971 йилда оиласи билан Тошкентта кўучиб ўтган. Шу йилнинг ўзида (1971 й.).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институтида “Диалектика развития функции государства по контролю за мерой труда и мерой потребления” мавзуида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилган.

1972 – 1976 йилларда Насира Туленова Тошкент фармацевтика институтидаги аввал асистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1976 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг "Фалсафа" кафедрасига ишга келган. Шу пайтдан бошлаб Туленова Насира Шакаримовна хаётининг янги погонаси бошланди. Мазкур даргоҳда у ўзининг ўқитувчиллик фаолиятини бошлади ва нафақага чиққунга қадар ўз хаётини шу институт билан боблади.

"Фалсафа" кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Станислав Яковлевич Свирский қўйл остида ишлаб, Насира Туленованинг педагогик маҳорати янада ошиди. У талабаларга "Фалсафа", "Диншунослик", "Этика", "Эстетика" каби фанлар бўйича маъruzаларни ўқиб, амалий машғулотларни кундузги, кечки ва сиртқи факултет талабалари учун ўтганлар. Талабаларга ўзи меҳр қўйган фаннинг сир-асорларини ҳар томонлама тушунтиришга, уларда фалсафий дунёқарашни шакллантиришга, табиат ва жамият умумий қонуниятларининг мохиятини тушунтиришга ҳаракат қилиб келган.

Насира Туленованинг маъruzalari юқори савияси, чуқур илмий – назарий асосланганлиги, амалий хуносалар ва тавсиялар билан сугорилганлиги билан фарқ қилиб, талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотган. Катта хурмат ва эътиборга сазовор ўқитувчиларнинг бирига айланган.

1980 йилда Туленова Насира Шакаримовнага Олий аттестация комиссияси томонидан доцент илмий унвони берилган. Унинг самарали ва камтарона меҳнати университет томонидан муносиб баҳоланди ва у бир неча маротаба фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Туленова Насира Шакаримовна университет жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок қилиб борган. У университет касаба

уюшмаси ва хотин – қизлар күмиталарынинг аъзоси бўлиб, турли тадбирларда қатнашган. Устоз ҳамиша талабалар билан яқин бўлишга интилган, уларнинг дарсдан кейинги ҳаёти билан қизиқиб, талабалар ётоқхонасига ҳам тез – тез бориб турган.

Туленова Насира Шакаримовна илмий фаолиятини ҳамиша давом эттириб, ўзининг ўқитувчилик маҳоратини оширишга катта эътибор билан қараган. Насира Шакаримовна республика ва халқаро миқёсда ўтказилган 34 та илмий, илмий – амалий, илмий – услугбий конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок қилган.

Туленова Насира Шакаримовна 3 та монография, 40 тадан ошиқ илмий мақола ва тезислар, 16 та илмий – услугбий қўлланманинг муаллифи. Унинг “Государство на страже за мерой труда и мерой потребления.-Т.:Ёш гвардия, 1979(6 б.т.); “Политическая организация общества”.-Т.:Ёш гвардия, 1980 (5 б.т.); “Важнейшие функции государства”.-Т.:Ўқитувчи, 1982 (3 б.т.) номли монография ва рисолаларида жамият ижтимоий – сиёсий тизими ва ҳаёти билан боғлиқ мухим аҳамиятга эга бўлган муаммолар кўтарилиган.

Бир қатор илмий мақолалари “Гулҳан”, “Ёш куч”, “Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фанлар” каби журналларда чоп этилган.

1996 йилда Туленова Насира Шакаримовна нафақага чиқиб кетдилар. Ҳозирги кунда устоз ўқитган талабалар Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқитувчилик қилиб келмоқдалар. Демак, устоз берган билимлари ўз самарасини берди.

## **Туленова Гульмира Жандаровна**



Туленова Гульмира 1961 йил 10 июля  
Олмаота шахрида хизматчи оиласида  
таваллуд топган. 1971 йилда оиласи билан  
Тошкентта күчип келган. 1983 йилда  
Тошкент давлат университетининг  
журналистика факультетини намунали  
диплом билан тамомлади. Туленова Гульмира  
намунали ўқиши туфайли аспирантурага  
йўлланма оди.

1986 – 1989 йилларда Тошкент давлат университетининг фалсафа факультети "Фалсафа" кафедрасида аспирантурани тамомлади. Шу йилнинг ўзида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун "Диалектика расцвета и сближения национальных культур народов СССР и критика её буржуазных фальсификаций" мавзуида номзодлик диссертацияни муваффақиятли химоя қилди.

1989 – 1992 йилларда Гульмира Туленова Тошкент давлат университетида ассистент лавозимида ишлаган. 1992 йилдан бошлаб хозирги кунгача Тошкент ахборот технологиялари университетида ишлаб келмоқда.

1992 – 1999 йилгача Гульмира Туленова "Фалсафа" кафедрасида аввал ассистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1996 йилда Олий аттестация комиссияси томонидан унга доцент илмий узвони берилган.

1999 йилдан бошлаб институтда ташкил топган "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасига мудирилик қилиб келмоқда.

Туленова Гульмира Жандаровна аввал "Фалсафа", "Маънавият асослари", "Маданиятшунослик" фанларидан, ҳозирги кунда эса "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Сиёсатшунослик", "Геосиёсат" фанларидан талабаларга дарс бермоқда.

Гулмира Туленованинг маърузалари юқори илмий – назарий ҳамда услубий даражада ўтказилади. Шунинг учун ҳам талабалар ва ҳамкарабалари ўртасида у катта хурматта эришган.

Туленова Гулмира камтар, фидоий ва қалби кенг инсондир. Бир неча йиллар давомида Гулмира Туленова талабаларга мураббийлик қилиб келган. Талабаларнинг ўқиши, дарсдан кейинги вақтини ўтказиши, "Талабалар баҳори", "Ниҳол" байрамларини ташкил қилиш ва ўтказишида яқиндан кўмак кўрсатди, ўқувчи – талабаларнинг оиласидаги ахволидан ҳабардор бўлиб, уларга ҳамиша ёрдам кўрсатишга харакат қиласди.

Туленова Гулмира университет жамоатчилик ишларида ҳам ҳамиша фаоллик кўрсатиб келмоқда. У 1995, 2002, 2004 йилда ўтказилган Республика сайлов кампанияларда ҳам фаол иштирок қиласан, университет қошидаги участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлган. Кўп йиллар давомида Гулмира Туленова университет хотин – қизлар қўмитасининг, кутубхона библиотекори, ижтимоий – гуманитар фанларининг услубий кенгашининг аъзоси бўлган.

Ҳозирда Туленова Гулмира ўзининг илмий фаолиятини давом эттироқда. У 3 та монография: "Маънавият ва ёшлар фаолигини ошириш муаммолари".(Т.:Ўқитувчи, 2005, (8 б.т.); "Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати".(Т.:Ўзбекистон, 2000, ( 5 б.т.); "Баркамол ёш авлод – истиқолол таянчи".(Т.: Фан ва Технология, 2004 (8,5 б.т.) "Хуқуқ.Law.Право", "Фалсафа ва ҳуқук", "Ижтимоий фикр", ва "Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий

фикрлар", "Соғлом авлод учун", "Халқ таълими", "Хўжалик ва ҳуқуқ" ва х.к. каби журналларда чоп этилган 26 та илмий мақолалар 28 та халқаро, республика илмий, илмий – назарий, услугбий конференцияларда қилган илмий маъruzалар тезислари ва 18 та ўқув – услугбий қўлланмаларининг муаллифиdir.

Туленова Гульмира ўз касбий маҳоратини ошириш устида ҳамиша қайгуради. У бир неча халқаро жамғармалар (АКСЕЛС, ДААДАД, СЕР, Конрад Аденауэр) томонидан ташкил этилган семинар ва грантларида иштирок қилиб келмоқда.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган танловда иштирок этиб, фахрий учинчи ўриннинг сохиби бўлишга муваффақ бўлган. Бир неча маротаба ўзининг касбий малакасини Самарканд давлат университети, Тошкент давлат университети қошидаги Олий педагогика институти, Ўзбекистон Президенти хузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясида ошириб келган.

2003 – 2004 йилда Гульмира Жандаровна "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан биргалиқда "Ёшлилар муаммолари, истиқболга режалар" мавзууда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилган социологик тадқиқотда иштирок этган.

Туленова Гульмиранинг самарали меҳнати муносиб баҳоланиб 1999 йилда у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "Ўз касбининг устаси" кўкрак нишони билан ҳамда бир неча маротаба фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Ҳозирги кунда Гульмира Туленова докторлик диссертация устида иш олиб бормоқда. Демак, устоз ўз изланишларини тўхтаттаний йўқ.

## Турсунова Сунбула Ҳабибовна



Турсунова Сунбула Ҳабибовна 1940 йил 2 апреда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1958 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, 1963 йилда қизил диплом билан тутатди. Шу йилда институттинг «Радиоэшиттириш қурилмалари» кафедрасига асистент лавозимига ишга қолдирилди.

1967 йилда Сунбула Ҳабибовна Бутуниттифоқ Электротехника алоқа институтининг сиртқи аспирантурасига ўқишга кирди.

Сунбула Ҳабибовна педагоглик фаолияти билан бир қаторда илмий ишни ҳам бажариб, «Кўп каналли узаткичлар учун оптималь сатҳларни модуллаштириш масаласини ўрганиш» мавзуида иш олиб борди.

1974 йилда Мехнат Қизил Байроқ орденли Москва электротехника алоқа институтининг илмий кенгаши қарори билан Сунбула Ҳабибовнага техника фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Шу йилда у катта ўқитувчи лавозимига сайланди.

1976 – 1987 йилларда Сунбула Турсунова «Радиоэшиттириш қурилмалари» кафедрасида кафедра мудири лавозимида меҳнат қилди.

1985 йилда Олий аттестация комиссиясининг қарори билан Сунбула Ҳабибовна доцентлик илмий унвони берилди.

1987 йилда кафедралар қўшилиб, кафедранинг номи «Радиоалоқа қурилмалари» деб аталди.

Сунбула Ҳабибовна кафедрадаги давлат бюджети илмий ва услубий ишларига раҳбарлик қилди. Илмий иш радиоэшиттириш

Қурилмаларининг энергетик эффицитини ошириш масалалари бўлса, услубий иш «Радиоалоқа қурилмаларига хисоблаш техникасини кўллаш» эди. Сунбула Турсунованинг чоп этилган ишларидан 16 таси услубий қўлланмалар, 27 таси илмий иш, ҳаммаси бўлиб 43та илмий ишлар «Электралоқа» журналида ҳамда институтда илмий ишлар тўпламида чоп этилган.

Сунбула Ҳабибовнанинг самарали меҳнатлари бир неча марта «Фахрий ёрлик» лар билан, 1988 йилларда эса «Мехнат фахрийси» медали билан тақдирланган.

Сунбула Ҳабибовна интизомли, талабчан, чуқур билимли, мохир педагог бўлган. Ҳозирги кунда неваралари билан меҳнат таътилида қарилек гаштини сурмоқда, унинг севимли 3 та фарзанди ва 4 та набираси бор.

### Турсунходжаева Тамара Зикруллаевна



Турсунходжаева Тамара Зикруллаевна 1945 йил 26 марта таваллуд топган. Тошкент Электротехника алоқа институтини 1968 йилда тутатиб, электр алоқа мухандиси мутахассислигини эгаллади ҳамда «Чизиқли электр занжирлар назарияси (ТЛЭЦ)» кафедрасига асистент лавозимига йўлланма олди.

1974 – 1977 йилларда Тамара Зикруллаевна Фанлар академиясининг кибернетика илмий текшириш институтидага аспирантурада ўқиди. Аспирантурани тутаттандан кейин «Телематика тизимлари» кафедрасига асистент бўлиб ишга юборилди.

Тамара Зикруллаевна бу лавозимда 1990 йилгача фаолият күрсатди. У чуқур билимга эга эканлиги, самарали мөхнати билан, талабаларга бўлган муомаласи билан, педагоглик маҳорати билан бошқалардан фарқ қиласди.

1990 йилда Тамара Зикруллаевна кафедранинг катта ўқитувчиси лавозимига сайданди. У иш давомидаги турли факультет талабаларига матьзуза ва лаборатория дарсларини олиб борарди. Дарс бериш билан бир қаторда бўлажак алоқачи мутахассисларга диплом ишига раҳбарлик қилди.

Тамара Зикруллаевнанинг шогирдлари ҳозирда алоқа соҳасининг нуфузли лавозимларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Турсунходжаева Тамара доимо малакасини оширади, ўзи устида кўп ишлайди. Айниқса, янги информацион технологияларни ўрганиб, уларни ўқув жараёнига қўллайди. Жуда кўп илмий – услубий ишлар муаллифи. У кафедрада биринчилардан бўлиб ўқув жараёнида компьютердан фойдаланишини йўлга кўйган.

Тамара Зикруллаевна кўп йиллик самарали мөхнатлари учун бир неча маротаба ташаккурномалар билан ҳамда 2003 йил сентябр ойида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирланган.

### Усманова Наргиза Бахтиёрбековна



Усманова Наргиза Бахтиёрбековна 1971 йил 21 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1993 йилда Тошкент Электротехника алоқа институтини «Электр алоқа мұхандиси» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом

билин битирди ва шундан буён институтда ишлаб келмоқда.

Үқиши мобайнида Наргиза Бахтиёрбековна А.Р.Беруний стипендияси совриндори бўлган. Дастреб «Автоматик элтралоқа (АЭС)» кафедрасида ўқитувчи – стажер лавозимида, сўнг стажер тадқиқотчи, асистент сифатида дарс берди.

1993 – 2000 йилларда ТЭАИнинг кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олди. Илмий – тадқиқот ишлари олиб боришида замонавий технологиялар янгиликлари ва адабиётлар билан танишиш мақсадида 1998 йилда Юнон мамлакатининг Патра шахри университетида стажировка ўтиб келди.

2000 йилнинг сентябринда Наргиза Бахтиёрбековна 05.12.14 – Алоқа тармоқлари, тутунлари ва ахборот тақсимлаш иқтисослиги бўйича «Рақамли шаҳар телефон тармоқларини муқобил қуриш усуслари» мавзуида номзодлик диссертацияни химоя қилди.

1999 йилда Минскда бўлиб ўтган «Алоқа техникиси ва технологияси» бўйича конференцияда қатнашиб, секциядаги энг яхши маърузачи совриндори бўлди. Ушбу йилнинг ўзида Наргиза Бахтиёрбековна аспирантлар, ёш мутахассислар ва илмий изланувчиларни қўллаб – қувватлашга мўлжалланган Устоз жамғармасининг «Телекоммуникациялар» йўналиши бўйича гранти совриндори бўлди.

Химоядан сўнг Наргиза Бахтиёрбековна илмий ва педагогик фаолиятини давом эттириб, 2001 – 2004 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Телематика тизимлари» кафедраси мудири лавозимига сайланди.

Хозирги кунда Наргиза Бахтиёрбековна университетнинг илмий, илмий – техник, илмий – услугубий кенгашлари аъзоси. Номзодлик диссертациялар химояси бўйича иқтисослашган кенгаш аъзоси.

Наргиза Бахтиёрбековна бакалаврлар битирув малакавий ишлари ва магистрлар диссертацияларига раҳбарлик қилиб, телекоммуникация соҳасидаги жорий муаммолар, масалалар ва янгиликларни ўрганиш ва тадқиқ қилишга бағишилган мавзулар танлайди.

Наргиза Бахтиёрбековна ўз касбий маҳоратини оширишга катта эътибор беради. У халқаро ва республика миқёсидаги илмий – техник, илмий – амалий конференциялар ва семинар – анжуманларида иштирок этади. Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ мамлакатларида малака ошириб келган. Ҳозирги кунда «Телематика тизимлари» кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда. Илмий изланишларни давом эттириш ниятида.

### Умиршайхова Жамила Мустақимовна



Умиршайхова Жамила Мустақимовна 1952 йил 17 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1970 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кутубхоначилик факультетига ўқишга кириб, 1975 йилда муваффақиятли тутатди. Шу иили 77 – ўрта мактабда кутубхоначи бўлиб иш фаолиятини бошлади.

Жамила Мустақимовна 1971 йилда Чилонзор тумани комсомол комитетида инструктор бўлиб ишлади.

Умиршайхова Жамила 1978 йилдан бошлаб Собир Раҳимов туманидаги 4 – болалар кутубхонасида катта кутубхоначи, 1984 йилдан шу кутубхонада кутубхона мудири лавозимида ишлади. Бу даргоҳда болалар билан ишлаб, 18 йил давомида

кутубхоначиликнинг ҳамма сирларини, ҳар бир бўлимда қандай китоблар жойлашиши, ходимларга раҳбарлик қилиш, жамоачиликнинг қандайлигини яхши билди. Катта билан кичикка қандай муомала қилиш, китобнинг ҳаётдаги аҳамиятини чуқур тушунди.

Жамила Мустақимовна 1996 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент ахборот технологиялари университетида меҳнат қилмоқда. У аввал кутубхонанинг сиёсий, ва бадиий адабиётлар бўлимида I – тоифали кутубхоначи вазифасини бажарди.

Жамила Мустақимовна 1998 йили самарали меҳнатлари учун Бельгияга малака оширишга бориб келди. 1999 йили декабр ойида ўтказилган сайлов компаниясида комиссияси аъзоси сифатида фаоллик кўрсатди. Шу йили Жамила Мустақимовна китоб жамлаш бўлимига мудир этиб тайинланди. У университетнинг хотин – қизлар кенгаши аъзоси, жамоат ишларида фаол иштирокчи. Ёш кутубхоначи ходимларга устоз, талабаларга мураббий “сифатида меҳнат қилиб келмоқда.

Жамила Умиршайхова 2000 йилдан бери кутубхона директори ўринбосари лавозимида ишлаб, электрон кутубхонанинг ташкил қилинишида, талабалар ва ўқитувчилар учун алоҳида кутубхоналарнинг фаолият кўрсатишида ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

## **Фазуллина Флюра Кадировна**



Фазуллина Флюра Кадировна 1938 йил 15 сентябрда Қозон шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1956 йилда Қозон давлат педагогика университетига ўқишга кириб, 1961 йилда немис ва инглиз тили ўқитувчisi ихтисослиги бўйича тутатди. 1961 – 1970 йиллар мобайнида мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1970 йилдан Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида немис тили ўқитувчisi бўлиб фаолият кўрсатди.

Икки йиллик педагогик курсни тамомлагандан кейин 1976 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институтининг «Чет тиллари» кафедрасида ўқитувчilik қила бошлади. У институтнинг жамоат ишларида фаол қатнашди, бир неча марта сайлов компанияларида тарғиботчи, қабул комиссияси вақтида маъсул котиб ёрдамчиси бўлиб ишлади. Кечки ва сиртқи бўлим талабаларини ўқитишида чет тили кафедраси бўйича жавобгар бўлиб хисобланди.

1991 йилда кафедранинг катта ўқитувчisi лавозимига сайданди. Шу йилда Флюра Кадировна номзодлик диссертациясини химоя қилиб филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1992 йилда Фазуллина Флюра «Чет тиллари» кафедраси мудири этиб тайинланди.

1995 йилда Флюра Кадировна доцентлик унвонини олди. 1998 йил 15 сентябрда Флюра Кадировна 60 ёшга тўлиши муносабати билан раҳбарият томонидан «Фахрий ёрлик» билан тақдирланди.

У талабалар ва ўқитувчилар орасида обрўга, эътиборга эга бўлган устоздир. Унинг раҳбарлигида 35 дан ортиқ илмий – услубий қўлланмалар чоп этилди. 1999 йилдан бошлаб Флюра Кадировна нафақага чиқиб кетди.

### **Фетляева Ҳикоят Хидоятовна**



Фетляева Ҳикоят Хидоятовна 1943 йил 19 апрелда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1967 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг «Телефон – телеграф» факультетини тутатди. 1968 йилдан бошлаб шу институтда «Дискрет ахборотларини узатиш ва телематика» (ПДИвАТ) кафедраси асистенти қилиб ишга қолдирилди.

Ҳикоят Хидоятовна ўзининг масъулиятилиги, интизомлиги ва чуқур билимга эга эканлигидан лаборатория ишлари, курс ишларини ва машқ дарсларини тезда ўрганиб олди.

1969 йилда Ҳикоят Хидоятовна 4 ой давомида Москва электротехника алоқа институтида малакасини ошириб келди.

Ҳикоят Хидоятовна институт жамоачилик ишларида фаол иштирок этди, сайлов компанияларида тарғиботчи, кўп йиллар давомида гурух мураббийси бўлди. Ўқитувчиларнинг ҳар йилги ўтказиладиган анъанавий илмий – техник конференцияларида мақолалар билан қатнашди.

Ҳикоят Хидоятовна З йил мобайнида (1968, 1970, 1971 й.) сиртки бўлим комиссиясида масъул котиб муовини бўлиб иш олиб борди.

Ҳикоят Хидоятовна кафедранинг шартнома асосидаги

илмий ишларини бажаришда ўз хиссасини қўшди. Битирувчи талабаларга диплом ишларига раҳбарлик қилди, деярли ҳамма факультетларда лаборатория дарсларини олиб борди. Талабаларга ишлаб чиқариш амалиётидан раҳбарлик қилди.

1997 йилда Ҳикоят Хидоятова кафедранинг катта ўқитувчиси лавозимига ўтказилди. Ҳамда унга маъруза ўқишига руҳсат берилди. Ҳикоят Хидоятовна масъулиятни сезган ҳолда яна ҳам шиҷоат билан фаолият кўрсатди. 30 йиллик меҳнати самарасида ўқув юкламасини бажариш билан бир қаторда 60 дан ортиқ диплом ишларига раҳбарлик қилди.

1998 йилда Ҳикоят Хидоятовна 55 ёшга тўлди, унга самарали меҳнатлари учун мукофот ва «Фаҳрий ёрлиқ» берилди. Ҳикоят опа жуда серғайрат, хушчақчақ, жонкуяр педагог. У ҳамма талаба ва ҳамкарабалари билан тил топиша оладиган инсон. Талабаларга билим беришда, етакчи мутахассис бўлишларига ўзининг катта хиссасини қўшган онадек меҳрибон устоз ва ғамхўр мураббийдир.

Унинг 4 ўғил фарзандлари бор, шунинг учун бўлса керак, айниқса, қизларга жуда меҳрибон.

Ҳикоят Хидоятовна университетимизда ҳозирда «Телематика тизимлари» деб аталмиш кафедрада 32 йилдан ортиқ (2001 йилгача) самарали меҳнат қилди.

### **Фозилова Дилбар Комиловна**



Фозилова Дилбар Комиловна 1961 йил 27 январ Бухоро вилояти Навоий шаҳрида таваллуд топди. 1984 йилда Ўрта Осиё Тиббиёт Педиатрия институтининг даволаш факультетини тамомлади. Фозилова Дилбар Комиловна 1988 йилда ТЭАИнинг тиббий шахобчасида ўз фаолиятини бошлиди.

Ўтган давр мобайнида қасамёдига содиқ қолган ажойиб шифокор ўзининг меҳнатсеварлиги, ўз касбига муносабилиги, самимийлиги, хушмуомалалиги, камтар – камсуқумлиги билан жамоа аъзоларининг меҳрини қозонди.

Дилбар Комиловна ташаббуси билан университетнинг мажлислар залида, ТАТУ ётоқхонасидаги маънавият хонасида бир қатор эътиборга молик тадбирлар ўтказилаяпти, давра суҳбатлари уюштирилаяпти. Жумладан, «Сиҳат – саломатлик йили» муносабати билан ТАТУда «Сиҳат – саломатлик клуби», «Ибн Сино маърифат маскани» ўз фаолиятини бошлади.

Дилбар Комиловнанинг ташаббуси билан университет хотин – қизлар қўмитаси маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда талабаларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида, маҳсус режа асосида турли мавзуларда маърузалар ўтказилиб келинмоқда.

Фозилова Дилбар Комиловна бундан ташқари ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда гиёҳвандликка, ОИТС (СПИД)га қарши курашга бағишланган мавзулардаги тадбирларни ташкил этишда ва ўтказища фаол иштирок этди.

Дилбар Комиловна ТАТУ талабалар уйида истиқомат қилаётган илми толиблар билан мунтазам равишда шахсий гигиена, тиббий маданият ҳақида ўғил болалар билан алоҳида, қиз болалар билан алоҳида давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказади. Бевосита Фозилова Дилбар Комиловна ташаббуси билан гиёҳвандлик, тери танозил касалликларининг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида суҳбатлар олиб борилади.

Д.К.Фозилова олдига даво истаб ташриф буюрган беморларни аввало ширин сызи, очик чешираси билан кутиб олади ва дардига дармон бўлишга интилади. Кўпчиликнинг кори-холига яраб, жамоанинг иззатли нигоҳида яшаётган, ишлаётган, қўли енгил

шифокор оиласа мўътабар она, суюкли ёр вазифасини ҳам аъло даражада ўтаётганлиги билан тақсинга сазовордир.

### **Фролова Нина Ивановна**



Фролова Нина Ивановна 1925 йил 30 декабрда Чкалов вилоятида дехқон оиласида таваллуд топган. 1939 йилда ота-онаси билан Туркманистон Республикасининг Мари шаҳрига кўчиб келди. 1943 йилда техникумини туттагтан. 1944 йилда Нина Ивановна хавфсизлик хизматига ишга кириб, 1952 йилгача ишлади.

1953 йилда оиласи билан Тошкентта кўчиб келди ва 1954 йилда Тошкент алоқа техникумiga ишга қабул қилинди.

1956 йилдан Нина Ивановна ТЭАИга хисобчи бўлиб ишга ўтказилди. 1963 йилдан бошлаб Нина Ивановна институт босмахонаасининг бригадири бўлиб ишлай бошлади. Нина Ивановна босмахонада ишлаб юрган чоғларида институтнинг жамоа ишларида фаол иштирок этар эди. У бир неча маротаба касаба уюшмаси аъзоси бўлиб сайланган, хотин-қизлар кенгашининг раиси бўлиб ҳам ишлаган. У ўзининг самарали меҳнатлари учун Алоқа Вазирлиги (Совет Иттилоғи) томонидан "Почетный радиист", «Социалистик мусобақа аълочиси» ва мақтов ёрлиги ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланган.

Нина Ивановна ўзининг малакасини Украина полиграфия институтида ошириб келган. 1995 йил 30 декабрда Нина Ивановна куттуғ 70 ёшга тўлди. Институтда ишлаётганига 40 йил тўлган эди. Мехнат фаолияти даврида Нина Ивановна оддий ишчидан босмахона бошлиги лавозимига кўтарилди. Ўзининг меҳнати билан

институтнинг ўқув жараёнини керакли услубий қўлланмалар билан таъминлаб турар эди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, жамоатчилиги, ҳақгўйлиги билан ажралиб турар эди. Айниқса, хотин – қизларга маслаҳатчи устоз эди. Институтнинг ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари орасида обрўси катта эди.

2000 йил 30 декабрда эса Нина Ивановна 75 ёшга тўлғанлиги муносабати билан унга ташаккурнома ва пул мукофотлари берилиди ҳамда у Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан "Ўз касбининг устаси" нишони билан тақдирланди.

Нина Ивановна "Тезкор ҳарф териш хизмати" бошлиги лавозимида 2001 йил май ойигача фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигига институт босмахонасида нашр этилган ўқув – услубий адабиётлар, кўрсатмалар ва бошқа турли материаллар сифатли ва ўз вақтида бажарилган, ўзи бошқарган жамоани одилона,adolatли ва билимли бошқариб келган.

Н.И.Фролова жамоа орасида хурматта сазовор, меҳнат интизомини юқори даражада ташкил этувчи раҳбар сифатида институтнинг ҳамма ходим ва мураббийлари қалбида қолади.

### **Ҳайдарова Саломат Ҳайдаровна**



Ҳайдарова Саломат Ҳайдаровна 1932 йил 15 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1947 йилда 15 мактабни тутаттандан сўнг, шу мактабни ўзида 2 синфларга ўқитувчи бўлиб дарс берган. 1954 йилда САГУнинг физика факультетини имтиёзли диплом билан битирди ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академиянинг Физика-техника институтига кундузги аспирантурага қабул қилинди.

1957 йилда Саломат Ҳайдаровна аспирантурани тугатиб, 1961 йилда илмий ишни химоя қилди. Шу институтда илмий ходим бўлиб ишлади. 1964 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига танлов асосида «Физика» кафедрасига ишга қабул қилинган. Шу кафедрада 24 йил дарс берди. Дарс бериш давомида Саломат Ҳайдаровна амалий машгулотлар, лаборатория ишлари ва маърузалар ўқиди.

Саломат Ҳайдаровна институтда ишлаш давомида 20 та амалий ишларга қўлланмалар ишлаб чиқди.

Саломат Ҳайдаровна институт жамоа ишларида ҳам фаол қатнашди. Бир неча йил давомида институт қабул комиссиясида ишлади. Саломат Ҳайдаровна институтда ишлаш давомида ёшлирига мураббийлик қилдилар.

Саломат Ҳайдаровнанинг кўп йиллик педагогик фаолияти институт раҳбарияти томонидан бир неча маротаба Фахрий ёрлиқлар ҳамда «Меҳнат фахрийси» фахрий унвони ҳамда қимматли совғалар билан тақдирланди.

Саломат Ҳайдаровна институтда меҳнат қилиш давомида ўз устида тинимсиз ишлади, бутун билимини беришда ва талабаларни ўз касбининг устаси қилиб тарбиялашда фаол хизмат қилди.

## **Халикова Галия Аюповна**



Халикова Галия Аюповна 1959 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1981 йилда Тошкент Давлат университетининг «Фалсафа – иқтисод» факультетини фалсафа ўқитувчisi мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1981 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институтининг «Фалсафа» кафедрасида асистент лавозимида иш бошлади.

1993 йилдан бошлаб «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчisi лавозимига сайданди.

1999 йилдан бошлаб Галия Аюповна университетнинг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Илмий изланиш учун танлаган мавзуи «Проблема сознания в философии» деб номланади. Кўп йиллардан бўён институтнинг «Билим» жамиятида котибалик вазифасини бажариб келмоқда.

Галия Аюповна «ЎзДЖҚНваА», «Социология» фанлари бўйича кундузги ва сиртқи ўкувчи талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Бундан ташқари, Г.А.Халикова институтда «Фалсафа», «Маънавият асослари», «Логика ва эстетика» фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиб келган.

Галия Аюповна томонидан 20 дан ортиқ услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган ва нашр қилинган. У доим ўз малакасини ошириб бориб, институтда ўтказилиб келинаётган илмий – назарий

конференцияларда ўз маъruzалари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Галия Аюповна кўп йиллар давомида гурух мураббийси бўлиб келган. Бундан ташқари, сайлов жараёнларида ишлаб келади. Тошкент телеминораси ходимлари учун ижтимоий – сиёсий мавзуларда маъruzалар ўқиб келмоқда. «Талabalар уйи»да ўтказилиб келинадиган тадбир ва сұхбатларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўз камтарлиги, меҳнатсеварлиги билан университет ходимлари орасида катта хурматта сазовор бўлди.

### Харитонова Наталья Федоровна



Харитонова Наталья Федоровна 1943 йил 7 октябрда Хабаровск шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультети кундузи бўлимiga ўчишга кирди. 1963 йили кечки бўлимга ўтиб, кундузги Узэнергосбитда ишлади.

1965 – 1966 йилларда САНИИРИда катта лаборант вазифасида ишлади. 1966 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Наталья Федоровна Тошкент ахборот технологиялари университетида меҳнат қилмоқда.

1968 йилда ТошДУнинг физика факультетини туттагандан кейин «Физика кафедраси» катта лаборанти вазифасига ўтказилди.

1970 йилдан асистентлик лавозимига тайинланди. Бу йиллар давомида Наталья Федоровна лаборатория, машқ дарсларини олиб борди. Назорат ишларини, у ўзига топширилган ҳар қандай

вазифани ўз вақтида пухта бажарди. Бошқалардан ўзининг интизомлилиги, яхши тарбиячи эканлиги билан ажралиб туради.

Наталья Федоровна ҳар ўқув йилида гурух мураббийси бўлиб ишлаган. Ўз гурухи билан университетда ўтказиладиган ҳамма тадбирларда фаол иштирок этган.

Наталья Федоровна маъруза ва бошқа дарсларни юксак педагогик савиядга олиб боради, дарсга пухта тайёрланиб келади. Унинг маърузаларини эшигтан талабалар физика фанларидан олимпиадаларида кўпинча 1 ўринни эталлаб келган.

Наталья Федоровна бир неча маротаба ўз малакасини ошириб келган. Жумладан, 1972 йилда Қозогистон давлатуниверситетида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, Тошкент давлат техникауниверситети қошидаги мұхандислик педагогика институтида курсларни тамомлаб, гувохнома олган.

1998 йилда Наталья Федоровна 55 ёшга тўлгани, меҳнат фаолиятига 35 йил бўлғанлиги муносабати раҳбарият томонидан пул мукофоти ҳамда ташаккурнома билан тақдирлади.

Нихоят, 1999 йилда октябр ойида Наталья Федоровна катта ўқитувчи лавозимига сайланди.

2003 йил 7 октябрда Наталья Федоровна 60 ёшга тўлди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари раҳбарият томонидан муносиб тақдирланди. Моҳир педагог, чуқур билимли, камтарин, меҳнатсевар бу аёл бир даргоҳда 39 йил мабайнинда фаолият кўрсатиб келди. Ёш ўқитувчиларга устозлик қилди, талабаларга, лаборант ходимларга ёрдамини аямади. «Физика» кафедрасида унинг кўшгина ўқув – услубий қўлланмалари, маъруза матнлари чоп этилди.

2005 йилда Наталья Федоровна ўз ихтиёри билан университетдан кетди. Лекин унинг талабалари, шогирдлари хозирда ҳам алоқа соҳасида меҳнат қўлмоқдалар.

## **Шопен Ирина Лазеревна**



Шопен Ирина Лазеревна 1944 йил 27 декабрда тавалмуд топган. 1967 йилда Тошкент давлат университетининг «Механика математика» факультетини мұваффақиятли тутатди. 1967 йилдан бoshlab Тошкент ахборот технологиялари университетининг Олий математика»

кафедрасыда фаолият күрсатиб келмоқда. 1967 йилдан 1972 йилгача кафедра асистенти лавозимида ишлаб, талабаларга олий математика фанидан курс ишлари ва амалий машғулотлардан дарс олиб борди.

Ирина Лазеревна 1972 йилда катта ўқитувчи лавозимига сайланды, талабаларига маъruzalар ўқиди.

1967 йилдан 2005 йилгача кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти даврида 47дан ортиқ илмий ва илмий – услубий ишлар чоп этди. Москва, Ленинград (Санкт – Петербург), Астрахань шаҳарларида ҳамда республикамиз миқёсида ўтказилган конференцияларида маъruzalari билан қатнашди. Университетимизда ўтказиладиган анъанавий илмий – техник ва илмий – услубий конференцияларда ҳам қатнашган.

Ирина Лазеревна жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. «Олий математика» кафедрасининг фаол, меҳнатсевар, интизомли, жонкуяр педагоги. У кўп йиллар мобайнида гурух мураббийиси бўлиб ишлаган. Ҳамкасабалари, талабалар ишончини қозонган, обрў – эътиборга эга бўлган устоздир.

## Шарифова Ҳимоят Ашрафовна



Шарифова Ҳимоят Ашрафовна 1944 йил 1 апреда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1967 йилда Тошкент Электротехника алоқа институтининг телефон – телеграф алоқа факультетини мұваффақиятли тутатиб, шу институтнинг «Күп каналли алоқа» кафедрасида асистент лавозимида меҳнат фаолиятларини бошлаган.

1970 йилда Москва электротехника алоқа институтининг аспирантурасига ўқишига кириб, 1974 йилда «Исследование влияния импульсных полей на качество передачи телефонных сообщений» мавзууда номзодлик диссертацияни ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. 1974 йилда Москвадан қайтиб келиб «Кўпканалли электр алоқа» кафедрасида аввал асистент, кейин доцент вазифаларида ишлаган. 1982 йилдан умрларининг охиригача кафедра мудири лавозимида ишлаган.

Ҳимоят Ашрафовна кафедра мудири лавозимида ишлагунича, ўқув гурухи мураббийси бўлиб ишлаган, ётоқхонада яшовчи талабаларнинг шароити билан, дарсларга тайёрланиши билан қизиқиб борган, университет жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб келган.

Ҳимоят Ашрафовна камтарин, меҳнатсевар, ўз устида доимо ишлаб борган, ўз касбига фидоий инсон бўлиб, ҳамкарабалари ва талабалар орасида катта обрў ва эътиборга эришган аёл эдилар.

Шарифова Ҳимоят Ашрафовна 1991 йилда вафот этганлар. Улар бутун умрларини Тошкент электротехника алоқа институтидаги

илемий иш билан бирга ёш авлодни тарбиялашта бахш эттанилар, 40 дан ортиқ илемий ва илемий – услубий ишларга муаллифлик қылганлар. Мехнат фаолияти давомида университет маъмуриятининг, давлат органларининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлганлар. 1981 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланганлар.

### **Юлдашева Саодат Арислановна**



Юлдашева Саодат Арислановна 1964 йил 28 октябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1981 – 1986 йилларда Тошкент автомобиль транспорти ва йўлари институтида «Автомобиль транспортини ташкил этиш ва экономикаси» факультетини мухандис – иқтисодчи мутахассислигини бўйича имтиёзли дипломга битирган.

1986 – 1987 йилгача «Ўзавтотранстехника» ИИБда мухандис лавозимида ишлаган. 1987 йилдан бошлаб Кибернетика институти кундузги аспирантурасида ўқиган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, 1987 йилдан бошлаб Кибернетика институти кундузги аспирантурасида ўқиган. 1992 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илемий ишлаб – чиқариш бирлашмасида иқтисод фанлари номзоди илемий даражасини олиш учун «Совершенствование организации автомобильных контейнерных перевозок в плодоовощном подкомплексе» мавзууда 08.00.13 – иқтисодий математик усуллар ихтисослиги бўйича номзодлик диссертацияни химоя қилган.

1992 – 1995 йилгача Кибернетика институтида техник лавозимида ишлаган. Мехнат шартномаси бўйича 1998 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига қабул қилинган ҳамда 1998 йилдан бошлаб «Алоқа корхоналари иқтисодиёти» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган. 1998 йилдан «Алоқа корхоналари иқтисодиёти» кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимига ўтказилган.

Саодат Арислановна 2000 йилдан бошлаб «Алоқа корхоналари иқтисодиёти» кафедраси доценти лавозимида ишламоқда.

«Микроиқтисодиёт», «Бухгалтерия хисоби», «Аудит» фанлари бўйича маъруза курсларини ўқийди, амалий ва лаборатория ишлари ўтказади. Ҳозирги кунгача 6 та диплом ишига, 30 тадан ортиқ битириув малакавий ишларига ҳамда 8 та магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилган, 30 тадан ортиқ битириув малакавий ишларига ва 6 та магистрлик диссертацияларига такризлар берган. Иқтидорли талабалар билан ҳар йили фаол шуғулланиб келади.

2003 йил 4 – 8 февралда академик лицейларда, колледжлар ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун «Устоз» Республика фонди томонидан ўтказилган семинарда қатнашган. 2003 йил 22 февралда EdNet – Ўзбек – Америка академияси, Республика «Устоз» фонди, ТДИУ томонидан ўтказилган «Микроиқтисодиёт» кафедра мудирлари малакасини ошириш семинарида қатнашган. 2003 йил 14 – 15 апрелда З йиллик (EdNet) таълим тизимининг «Новые подходы в преподавании бизнеса и экономики» мавзуидаги конференцияда қатнашган. 2003 йил 24 апрелда «Состояние и перспективы применения современных информационных технологий и методов дистационного обучения в университетах Центральной Азии» мавзуидаги видеоконференцияда қатнашган.

2004 йил 5 – 6 апрелда Қозогистонда бўлган (EdNet) таълим тизимиning ва КАРАНАФЮСАЙД Корпорацияси уюштирган «Глобализация образовательного рынка: реформа университетов Центральной Азии» 4 – йиллик конференциясида қатнашган. 2000 йил 10 январ – 5 февралгача ТошѓУ хузуридаги иқтисодиёт, бизнес, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Бозор иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича курсларда, 26 июндан 30 июнгача «Устоз» Республика фонди билан Жаҳон банки институти ҳамкорлигига ташкил этилган ёзги дистанцион ўқитиши мактабида малака оширган ва сертификат олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясида «Ҳокимият ва бошқарув орғанлари раҳбар ходимларини, жамоат ташкилотларини ва бирлашмаларни, хўжалик тузилмалари раҳбарларини тайёрлаш, олий таълим тизимидағи профессор – ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш» бўйича ўтказилган семинар – мунозара ўқув дастурини ўтаган. Республика тил ўқитиши марказининг 5 ойлик жадал инглиз тили курсини битирган ва сертификат олган. 2004 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва ITU томонидан ташкил этилган (COSITU) телефон хизматларига харажатлар ва тарифлар хисоблаш бўйича ўтказилган семинарда фаол қатнашиб сертификат олган.

Давлат тилини ўқув ва тарбия жараёнига жорий этиш ва «Ўзбек тили куни» 10 йиллигига багишланган байрамни ўтказища фаол қатнашганлиги сабабли ташаккурнома билан тақдирланган. Тошкент электротехника алоқа институтининг 45 йиллик муносабати билан фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

2003 йил 24 сентябрда мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида қўшган хиссаси, алоқа ва ахборотлаштириш тизимидағи самарали меҳнати ва фаол иштироки учун Ўзбекистон

алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Саодат Арислановна оиласи, 2 та фарзанднинг онаси.

### Юсупова Гулистон Василжоновна



Юсупова Гулистон Василжоновна 1954 йил 6 сентябрда Хитой Халқ Республикасининг Қашқар шаҳрида туғилган. 1961 – 1972 йиллар давомида Тошкент вилояти, Тошкент тумани 1 – сон ўрта мактабида ўқиди. 1972 – 1976 йилларда Тошкент Давлат Университетининг (ЎзМУ) тарих

факультетида ўқиб тарихчи ва тарих ўқитувчisi мутахассислигига эга бўлди.

Юсупова Гулистон 1976 йилдан 1979 йилларгача Ўзбекистон республикаси «Билим» жамиятида муҳаррир бўлиб ишлади.

Гулистон Василжоновна 1978 – 1987 йилларда Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг (САМПИ) «Ижтимоий фанлар» кафедрасида кабинет мудири ва соатбай ўқитувчи лавозимларида ишлади.

Юсупова Гулистон 1987 йилдан ТЭАИда «Ижтимоий кафедра»да катта лаборант ва соатбай ўқитувчи бўлиб ишлади. 1988 – 1989 йилларда кутубхона ходими – соатбай ўқитувчи, 1990 йилдан бошлаб «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида асистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Гулистон Василжоновна ўзининг педагогик маҳоратини оширишга, ўз илмий салоҳиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор билан қарайди. Устоз шу давр мобайнида 8та илмий –

услубий қўлланма, Зта ўқув – услубий қўлланма чоп эттириди. 4та тўпламда ўз илмий – услубий иши билан қатнашди.

Гулистанон Василжоновнанинг илмий мақолалари даврий матбуотда бир неча маротаба нашр этилган. Устоз республика ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган илмий анжуманларда ўз маъruzалари билан иштирок этиб келмоқда.

Гулистанон Василжоновна тажрибали педагог, унинг маъruzалари юқори илмий – назарий асосланганлиги билан фарқ қилиб, талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотади.

Гулистанон Василжоновна университетда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади. Жумладан, сайлов даврида «Бодомзор» маҳалларида сұхбатлар үштитрган.

Юсупова Гулистанон гурухларда мураббийлик қилиб, маънавий – маърифий ишларни олиб борища ҳамиша жонбозлик кўрсатади.

Гулистанон Василжоновна ҳозирги кунда кафедра мудирининг ўринбосари вазифасини бажармоқда. Фаол ишлари учун 2005 йилда устоз Ўзбекистон почта ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Фаҳрий ёрлиқ» билан тақдирланди.

### Якубова Ноира Камаловна



Якубова Ноира Камаловна 1939 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1962 йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих – филология факультетини тутаттган. Йўлманма билан Ўзбекистон Фанлар академияси. А. С. Пушкин номидаги Тил

ва адабиёт институтига ишга келган. Бу ерда 1962 йилдан 1990 йилгача ишлаган.

1965 – 1967 йилларда Москвада Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида илмий – тадқиқотчи сифатида машина таржимаси бўйича илмий иш устида иш олиб борган ва 1974 йилда «Ўзбек сўз шакларида аффиксларнинг ўринлашиши» («Расстановка аффиксов в узбекских словоформах» на материале двучленных именных словосочетаний) мавзууда номзодлик диссертациясини химоя қилган.

1990 йилда «Тиллар» кафедраси (хозирги «Ўзбек ва рус тиллари» кафедраси) га ишга кирди. 1991 йил кафедра мудири лавозимига тавсия этилди. 1991 йилдан 2003 йилгача «Ўзбек ва рус тиллари» кафедрасига раҳбарлик қилди.

1991 йилда кафедрада 21та ўқитувчи ишлаган бўлса, улардан икки киши ўзбек тилидан дарс беришарди. Шунинг учун ҳам, ўзбек тили ўқитувчилари сонини ва сифатини кўтариш, янги малакали кадрларни жалб қилиш, техника соҳаси билан боғлиқ ўқув – услубий ишлар яратишдек вазифаларни қисқа фурсатда амалга ошириш керак эди. Чунки институтда кундузги бўлимдан ташқари сиртқи, кечки факультет, шунингдек, бир йиллик тайёрлов курси талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериш масаласи турарди. Кафедра мудири Ноира Камаловна қайд қилинган масалаларни хал қилишни уddyалай олди.

Ўша йиллари кафедрада ўзбек тили бўлимидан ташқари миллий грухларда ва хорижий мамлакатдан келган (эрон, непал, афғон, араб, хинд миллитига мансуб) ёшларга рус тилини ўқитиши бўлимлари бўлиб, бу тил ўқитувчилари кўпчиликни ташкил қиласарди. Ноира Камаловна уларнинг малакасини ошириш, ўз устида ишлаш, қўлланма, тавсияномалар, топшириқлар тузища

талабчанлик қилди. Ўқув – услугий ишлар мазмунан бойитилди, сифати ўзгарди.

Кафедра фаолиятида хам ўзгаришлар юз берди. Барча ҳужжатлар тартибга келтирилди. Йигилишлар, услугий семинарлар мунтазам ўтказиладиган бўлди. Услубий, илмий анжуманларда ўқитувчилар иштироки кўзга ташлана бошлади. Маърифий – тарбиявий тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга эришилди. Айниқса, 1990 йилларда рус тилида сўзлашувчи ўқитувчиларга давлат тилини ўргатиш кенг тус олди. Шахсан Ноира Камаловна ўқитган таниқли педагоглар, жумладан, В.Соколов, В.С. Сморщевский, М. Зелинский ва бошқалар ўзбек тилида bemalol сўзлаша оладиган бўлдилар. Ноира Камаловна бошқа кафедра ўқитувчилари тайёрлаган ўқув қўлланмаларни таҳир қилишда, уларга ўз маслаҳатларини беришда хам анча иш қилди. Ҳозирги кунда хам ўз кўмагини аямай келмоқда. Сўнгги йилларда эса ўзбек тилининг лотин алифбосига ўтказишни ўргатишда, хам назарий, хам амалий ёрдамини бемоқда.

Ноира Камаловна кўплаб илмий, илмий – услугий ишларни тайёрлаган. Унинг илмий мақола ва ахборотлари Москва, Кишченев, Чимкент, Тошкентда чоп этилди. Ноира Камаловнанинг «Расстановка аффиксов в узбекских словоформах» номли монографияси (1979 й.) чет эл кутубхоналаридан ўрин олган. У 35 та илмий мақола, 25 та ўқув – услугий ишлар муаллифи, «Институт доирасида қўлланиладиган умумлексика» лугати, 2000 йилдан кейин лотин имлосида яратилган «Ўзбек тилидан қўлланма» (1 қисм), «Махсус факультет талабалари учун ўзбек тилидан қўлланма» каби «Иш кўплаб қўлланмалар яраттан. Ноира Камаловна кафедрада «Иш юритиш курси» фанини кирийтган.

Ноира Камаловна талабаларни республика миёсида ўтказиладиган талабалар олимпиадасига, шунингдек, илмий

аңжуманларда иштирок этишини таъминлашда ҳам ўз ҳиссасини кўшган.

Ноира Камаловна ўз билими ва педагогик маҳоратини хамиша ошириб келади. Бу унга муҳокамаларда қатнашиш, маслаҳат ва услубий йўналишлар беришда қўл келмоқда. Устоз бир неча йилдан бери Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида ўзбек тилидан ўтказиладиган давлат имтихонига раис сифатида таклиф этилмоқда. У камтарин инсон. Мехрибон устоз.

### **Яқубова Умида Мирраҳимовна**



Яқубова Умида Мирраҳимовна 1950 йил 31 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. 1967 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг Радиоалоқа факультетини мувваффақиятли тутатди. 1977 йилдан бошлаб, Тошкент ахборот технологиялари университетида «РПРУ» кафедрасининг илмий лабораториясида аввал мухандис, кейинчалик катта мухандис лавозимида ишлади.

1977 йилдан «Радиоалоқа ва радиотехника тизимлари» кафедрасида ассистент лавозимида. 1992 йилда катта ўқитувчи лавозимига ўтказилди.

Умида Мирраҳимовна илмий – педагогик фаолияти давомида институтнинг жамоа ишларида фаол иштирок этди. 1978 йилда талабалар касаба уюшмасининг раиси этиб сайланди. Институтнинг Касаба уюшма аъзоси бўлиб кўпгина ҳайрли ишларни амалга ошириди. 1982 – 1983 йилларда сиртқи бўлим декан мувовини вазифасини бажарди. Сайлов жараёнларида икки маротаба

катнашган. Университет илмий – услубий кенгашининг аъзоси, мураббийлар кенгашининг раиси бўлиб ҳам фаол иш олиб борган.

1993 йилдан кадрлар бўлимининг бошлиғи лавозимига ўтказилди. Бу лавозимда 1996 йилгача фаолият кўрсатди. 1998 йилдан 2001 йилгача ўқув жараёнини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи бўлиб, самарали меҳнат қилди.

Умида Якубовнанинг меҳнатлари ва жамоа ҳётидаги ишлари раҳбарият томонидан бир неча маротаба фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Якубова Умида Миррахимовна серғайрат ва хушчакчак аёл, у қасбдошлари ва талабалар орасида катта эътиборга эга, оиласи, З та фарзанднинг меҳрибон онаси.

### **Ярцева Светлана Егоровна**



Ярцева Светлана Егоровна 1939 йил 28 марта Людиново шаҳрида туғилган. 1962 йилда Калуга давлат педагогика институтининг физика – математика факультетини физика – математика иқтисослиги бўйича тутатди. Тумор ўлкасидаги мактабда ўқитувчилик қилди.

1962 йилда оиласи шароити туфайли Тошкент шаҳрига кўчиб келди ва мактаб интернатда ишлади.

1965 йилда Тошкент электротехника алоқа институти «Физика» кафедрасида соатбай ўқитувчи бўлиб, дарс олиб борди. Кейинчалик кафедранинг асистенти лавозимига сайланди ва 1972 йилгача шу лавозимда талабаларга физика фанидан, машқ дарсларидан машғулот олиб борди. Светлана Егоровна Тошкент давлат университетида бир неча маротаба малакасини ошириди, талабалар билан узвий мулоқотда бўлди.

1979 йилда "Физика" кафедрасининг катта ўқитувчиши лавозимига сайланди. У ўз фанига жуда қизиқувчан. Светлана Егоровна 24 та илмий ва 1 та авторлик гувоҳномасининг эгаси.

1991 йилда Светлана Егоровна педагогика фанларидан номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1992 йилда доцент унвонига эга бўлди.

1994 йилда С.Е. Ярцева «Физика» кафедрасидан «Иқтисод ва почта алоқаси» кафедрасига доцент лавозимига ўз ихтиёри билан ишга ўтказилди.

Светлана Егоровна университетда ишлаб юрган чоғларида 30 тадан ортиқ илмий ва услубий қўлланмаларни чоп эттирган, у ўз меҳнат фаолиятини 2000 йилнинг сентябргача давом эттирган.

С.Е.Ярцева жуда хушчакчақ, меҳнатсевар, ўз касбининг устаси, талабаларнинг севимли педагоги эди.

### **Қодирходжаева Ҳуррият Қодировна**



Қодирходжаева Ҳуррият Қодировна 1939 йил 2 майда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини симли алоқа мухандиси ихтисослиги бўйича битирди. Шу йилнинг ўзида алоқа қурилиш–монтаж трестига мухандис лавозимига ишга қабул қилинди. 1963 йилда катта муҳандис лавозимига ишга ўтказилди.

Шу йилда Ҳуррият Қодировна трест ишчи–хизматчилари тавсияномаси билан Куйбишев тумани маҳаллий кенгашига депутатликка номзод қилинди. Сайловдан сўнг 1963 – 1965 йилларда

Куйбишев тумани (хозирда Мирзо Улугбек) маҳаллий кенгашида депутат сифатида фаол хизмат қилди.

1966 йилда Хуррият Қодировна Тошкент алоқа электротехника институтининг «Алоқа техникасидағи ўлчовлар» кафедрасига асистент лавозимига ишпа таклиф қилинди.

1968 йилда Хуррият Қодировна «Дискрет ахборотларни узатиш ва телеграфия» кафедрасига асистент лавозимига ўтказиши. Кейинчалик бу кафедранинг номи «Телематика тизимлари» кафедрасига ўзгартирилди. Бу кафедрада Хуррият Қодировна 29 йил дарс берди. У «Дискрет ахборотларни узатиш ва телеграфия», «Дискрет хабарларни узатиш», «Электрон почта», «Хужжатлик алоқа» ва бошқа фанлардан маъruzалар ўқиди, амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари олиб борди.

1974 йили Хуррият Қодировна Техника унвёрситетига аспирантурага кирди. Унинг диссертациясининг мавзуи дискрет ахборотларни узатишдаги содир бўладиган хатоларни камайтириш усулларига багишиланган бўлиб, бу мавзуу бўйича маҳаллий ва чет эл журналларда ўндан ортиқ мақолалари чоп этилди. Шу билан бирга, қундузги ва сиртқи бўлимлари талабалари учун 30 га яқин амалий ишларга қўлланмалар ва курсларни ўзлаштириш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқди.

Хуррият Қодировна раҳбарлигига 200дан ортиқ талабалар диплом ишларни ёқладилар.

1980 йилда Хуррият Қодировна катта ўқитувчилик лавозимига сайланди.

Хуррият Қодировна институт жамоа ишларида ҳам фаол қатнашди. 1969, 1971, 1980 йилларда институт қабул комиссиясида масъул котиб ва масъул котиб ёрдамчиси сифатида илмга қизиқкан ёшларни ўқишига жалб этишда салмоқли хиссасини қўшди.

Хуррият Қодировнанинг кўп йиллик педагогик фаолияти Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва институт раҳбарияти томонидан бир неча марта фахрий ёрлиқлар ҳамда пул ва қимматли совғалар билан тақдирланди.

Хуррият Қодировна 1997 йилда «Алоқа корхоналарини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш», кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга ўтиб, у ерда 2003 йилгача ишлади. Кафедрада «Алоқа корхоналарини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш», «Почта алоқасини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш», «Менежмент асослари» ва бошқа файлардан маъruzалар ўқиди, амалий машгулотлар лаборатория ишлари олиб борди, амалий қўлланмалар ва курслар бўйича маъruzалар чоп эттириди, диплом ишларига раҳбарлик қилди.

Хуррият Қодировна университетда 37 йил давомида тинимсиз ишлади. Бутун билимини талабаларга беришда ва талабаларни ўз юргита садоқатли қилиб тарбиялашда фаол хизмат қилди.

## **ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ. ХОТИН-КИЗЛАР КЕНГАШИ**

Тошкент ахборот технологиялари университетида (ТАТУ) кўп йиллардан бери аёллар кенгаши ўз фаолиятини олиб боряпти. Институт жамоатчилик ишларида «Телематика тизимлари» кафедраси катта ўқитувчиси Хуррият Қодирхўжаева ҳамда институт босмахонаси бошлиги Нина Ивановна Фроловалар фаол иштирок этиб келганлар. Улар иккаласи ҳам касаба уюшмаси аъзоси, кўшгина хайрли ишлар ташкилотчиси эдилар. Шунинг учун улар меҳнат фаолиятнинг охирги кунларигача ёш педагог ва талабаларга устозлик қилдилар.

Тошкент ахборот технологиялари университетида хотин-қизлар кенгаши 1998 йилда ташкил топган. Кенгаши раиси этиб «Физика» кафедраси доценти Мохира Файзуллаевна Раҳматулаева сайданди.

Хозирги кунда хар бир факультет учун хотин-қизлар кенгаши аъзоси бор, уларнинг ёрдамчилари ҳам бор. Улар факультет бўйича иш олиб бориб, кенгаши раисига хисобот берадилар. Кенгаши аъзолари жами 15 та.

Кенгаши ўзининг ишида маънавият-маърифат бўлими ходимлари ҳамда университет касаба уюшмаси аъзолари билан биргалиқда университет талаба қизлари ва ходимлар билан 1999 йил республика бўйича ўтказилган «Алла» танлов кўригида қатнашиб, иштирок этган алоқа соҳаси ходимлари орасида 2 – ўринни эгаллади. Кейинчалик «Тошкент гўзали» танловида ҳам иштирок этишиб, биринчи ўринни кўлга киритишга муваффақ бўлдилар (I – курс талабаси Соатова Адиба).

Деярли хар йили «Иқтидорли талаба» қизларимизнинг «Иқбол» танлов кўриги бўлиб ўтади. Танлов «Балли қизлар» мавзууда бўлиб, сценарий муаллифи ахборот технологиялари факультети декан мувовини Мохира Азизовадир. Бу аёл – «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси, университет хотин-қизлар кенгашининг аъзоси.

Бизнинг иқтидорли талаба қизларимиз «Зулфияхоним қизлари» танловида ҳам қатнашишди. Тошкент шаҳар бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этишди.

Кенгаши аъзолари университет маънавият-маърифат бўлими, касаба уюшма аъзолари ҳамкорлигига иш олиб берадилар. Буларнинг самараси сифатида 2001 йил 8 марта хотин-қизлар байрами арафасида Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Дилбар Гуломова томонидан кенгаш раиси М. Рахматуллаевага «Фаҳрий ёрлик» берилди.

Бундан фахрланган кенгаш аъзолари яна ҳам шижаат билан ишламоқдилар. Ётоқхонада яшайдиган талаба қизлар орасида давра сухбатлари, гинеколог маслаҳатлари, ижтимоий кафедра педагоглари билан таълим – тарбиявий мавзуларда, қизларнинг одоби, иффати, ор – ҳомуси ҳақида маърузалар ўтказилди.

2004 – 2005 ўқув йилида «Электрон ва квант асбоблари» кафедраси ассистенти Наргиза Юсупова хотин – қизлар кенгашининг раиси этиб сайланди. Бу аёл Моҳира Файзуллаевнанинг вазифасини давом эттириб бир қанча ҳайрли ишларни амалга ошириди. Жумладан, маънавият – маърифат бўлими ходимлари билан биргаликда меҳрибонлик уйидаги ўқитувчи, болалар холидан хабар олиб турилади.

2005 йил апрель ойида университет хотин – қизлар кенгаши раиси қайта сайланиб, “Касбий таълим”, кафедраси катта ўқитувчиси Раъно Абдулазизова кенгаш раиси этиб сайланди.

Хозирги кунда кенгаш аъзолари сони 21та, университетда факультетлар ҳам кўпайган. Фаол жамоатчи, илғор педагогларимиз орасида 30га яқин олима аёлларимиз бор. Улар ҳам мураббий, устоз бўлиш билан бир қаторда ўзларининг бой тажрибалари ва чуқур билимларини талabalардан, ёш педагоглардан аямайдилар. Хозирги кунда Раъно Абдулализова бошчилигида Юнусобод тумани хокимияти, маънавият – маърифат бўлими ҳамда кенгаш аъзолари билан биргаликда иш олиб бориляпти.

Хотин – қизларимизнинг университет жамоатчилик ишларини самарали олиб боришларида қасаба уюшма аъзолари Агзамова Мұхаббат Абдунабиевна ҳамда Валиева Руба Гаривонналарнинг алоҳида ўрни бор. Бу аёллар университетда ўтказиладиган деярли ҳамма тадбирларни уюштиришда ва ўтказишида фаоллик

кўрсатишади. Руба Гаривовна талабалар орасида санъатта қизиққан йигит ва қизларни клуб ишига жалб қиласди ҳамда уларга раҳбарлик қиласди.

2005 йил «Сиҳат – саломатлик йили» муносабати билан Ўзбекистон хотин – қизлар қўмитаси «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими» бошлиғи Н.Х.Туреева раҳбарлигига университет талабалари билан турли мавзуларга оид семинарлар ўтказишмокда.

ТАТУ хотин – қизлари кенгашида фидойи, юқори салоҳиятли аёллар ниҳоятда кўп. Шуладан бири Парниева Қулпинисо Қўшмирзаевнадир.

Қулпинисо Қўшмирзаевна 1994 йилдан бошлаб ТАТУ нашр – матбаа бўлимида муҳаррир лавозимида ишлаб келмоқда. Табиатан хушмуомала, бағрикент, хушфөъл бу аёл университет ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув – услубий қўлланмалар, услубий мажмуалар, дарсликлар, амалий машгулотлар учун қўлланмаларнинг барчасини таҳрирдан ўтказишга жавобгардир. Қулпинисо Қўшмирзаевнанинг муҳаррирлиги остида чоп этилган ўқув – услубий, илмий ишлар юқори сифати билан фарқ қиласди. Бу аёл кўзларининг нурини талабалар учун тайёрланган ишларни таҳрир этиб, нашрга тайёрлашга кетказади.

Қулпинисо Қўшмирзаевна учун “Ишим жуда кўп, бу қўлланмани ҳозир кўриб беролмайман”, – деган сўзлар мутлақо зиддир. Қулпинисо Қўшмирзаевна зиммасига юклатилган ишни доимий равишда ўз вақтида бажаришга ўрганганди. Шунинг учун ҳам университет профессор – ўқитувчилари орасида катта ҳурматта сазовор бўлган. Қулпинисо Қўшмирзаевна ўз вазифаларини жамоатчилик ишлари билан биргаликда олиб боради. У хотин – қизлар кенгашининг фаол аёлларидан бири ҳисобланади.

Кенгаш аъзолари орасида ҳамма факультет деканларининг маънавият – маърифат ишлари бўйича муовинлари бор, уларнинг асосий қисмини шу аёллар ташкил қилади.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА АЁЛЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

Марказ ташкил этилиши Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан амалга оширилди. АҚШ хукумати ва ТАТУ ўртасидаги "Грант бўйича келишув"га мувофиқ, «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида аёлларни ўқитиш маркази» лойиҳасининг техник ифтиносидий асосланиши Америка савдо ва тараққиёт агентлиги гранти асосида АҚШнинг "Telecom.Telematique Inc." компанияси томонидан ишлаб чиқилди ва 2004 йилнинг 12 ноябр куни Марказ расмий равиша очилди.

"Telecom.Telematique Inc." компанияси президенти Линн Галлагер хоним ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг ректори С.С.Қосимов томонидан имзоланган шартнома асосида Марказни ташкиллантириш бўйича техник ифтиносидий лойиҳани амалга ошириш мақсадида ишчи гурӯҳ томонидан катта ишлар бошлаб юборилди.

АҚШнинг "SUN Microsystems" компанияси томонидан замонавий ўқув платформасини яратишига имкон берадиган ускуналар ва дастурий таъминот мажмуаси грант асосида тақдим этилиб, Марказ ўқув хоналарига ўрнатилди. Қатор хорижий ўқув муассасалари, ташкилотлари билан ҳамкорлик кўзда тутилган ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда замон талабларига жавоб берадиган ўқитиш муҳити яратилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг республикамида телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида асосий олий ўқув юрти сифатида тан олиниши марказга турли йўналишларда аёлларнинг малакасини оширишга, қайта тайёрлаш ва ўқишига кенг имкониятлар беради.

Аёллар ўқув маркази томонидан ахборот коммуникация технологиялари соҳасида иш юритаётган ташкилот ва муассасалар талабларига биноан маҳсус ўқув курсларининг ташкил этилиши, маълум мавзуларнинг чуқур ва тўлиқ ёритилиши, семинар ва конференциялар ташкил этилиши ва соҳага оид турли йўналишларда ўқитиш кўзда тутилган.

Жамият равнақида ўз фаолиятини аёллар салоҳиятини янада кучайтириш мақсадига йўналтирган ўқув даргоҳининг эшиклари билимга чанқоқ, малакавий камолликка интилувчи барча аёллар учун очиқ.

## МУНДАРИЖА

- |                           |                           |                                 |
|---------------------------|---------------------------|---------------------------------|
| Абдурахмонова М.Ф. – 6    | Каримова У.Н. – 40        | Сулейманова Г.Н. – 77           |
| Агишева В.Е – 7           | Ковалёва Л.А. – 42        | Сунчелеева А.Р. – 79            |
| Айдарова Ф.А. – 8         | Костигова О.К. – 43       | Туленова Н.Ш. – 80              |
| Актуреева К.А – 9         | Костромина О.Е. – 44      | Туленова Г.Ж. – 83              |
| Амуррова Н.Г. – 10        | Котлабулатова Г.С. – 45   | Турсунова С.Х. – 86             |
| Архангельская Л.И. – 11   | Корнильцева Г.В. – 46     | Турсунходжаева Т.З. – 87        |
| <b>Асқарова М.Б</b> – 12  | Кропивницкая Л.Н. – 47    | Усмонова Н.Б. – 88              |
| Ахмедова Г.Ж. – 13        | Кузьмина Г.Н. – 48        | Умиршайхова Д.М. – 90           |
| <b>Баскина Х.З.</b> – 14  | Мандральская Н.В. – 49    | Фазулина Ф.К. – 92              |
| Белова А.Н. – 15          | Маркинг Л.И. – 51         | Фетляева Х.Х. – 93              |
| Бердиқурова М.Ф – 16      | Мелеева О.А. – 52         | Фозилова Д.К. – 94              |
| Бикмаматова Р.Р – 17      | Махкамова Х. – 53         | Фролова Н.И. – 96               |
| Бобоходжаева З.А – 18     | Миралидова Г.Ж. – 57      | Хайдарова С.Х – 97              |
| Буронова Р.Т. – 20        | Минасянц О.Г. – 58        | Халикова Г.А. – 99              |
| • Буткеева Т.М – 22       | Мирзаева Т.А. – 59        | Харитонова Н.Ф. – 100           |
| <b>Васильева М.Г</b> – 24 | Морозова Л.С. – 60        | Шопен И.Л. – 102                |
| Ваулина Ю.П. – 27         | <b>Мүминова Р.А.</b> – 61 | <b>Шарифова Х.А.</b> – 103      |
| Гамолина Е.И. – 28        | Нигматова Г.Ж – 62        | Юлдашева С.А. – 104             |
| Глининая Е.И. – 30        | Нуриллаева М.Х. – 64      | Юсупова Г.В. – 107              |
| Грибенникова Е.Н. – 31    | Павлова С.И. – 65         | Якубова Н.К. – 108              |
| Дементьева Н.Г. – 32      | Раджапова Р.Н. – 66       | Якубова У.М. – 111              |
| Донченко В.И. – 33        | Рахматуллаева М.Ф – 67    | Ярцева С.Е. – 112               |
| Зайнутдинова Н.А. – 34    | Рахмонбердиева М. – 70    | Қодирходжаева Х.К. – 113        |
| Ибрагимова М.М. – 35      | Сайдова М.М. – 72         | Хотин – қызлар<br>кенгаши – 115 |
| Идиатулина Э.М. – 36      | Слинько Т.А. – 73         |                                 |
| Кан А.В. – 38             | Сон Л.В. – 74             | Аёллар ўқув<br>маркази – 119    |
| Карцевич А.И. – 39        | Степанова Е.А. – 75       |                                 |

**Босишга руҳсат этилди.**

**Бичими 60x84<sub>1/16</sub> Адади 50. Булортма 235.**

**Тошкент ахборот технологиялари университети  
«ALOQACHI» нашириёт -- магъбаат марказида чоп этилди.**

**Тошкент ш. Амир Темур кўчаси, 103 -- уй.**